

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.ru | 2019-YIL 26-DEKABR, PAYSHANBA, 52 (842)-SON | web sayt: www.21asr.uz

Грант маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 декабрь куни грант маблағларини фаол жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, шу мақсадда грантлар, техник ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан алоқаларни ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 октябрдаги "Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида бу борада янги вертикал тизим яратилди. Грантларни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, донорлар билан ишлаш бўйича Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ваколатли орган этиб белгиланди, вазирликда янги департамент ташкил этилди.

Йиғилишда ҳозиргача мавжуд бўлган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Масалан, ҳозирда мамлакатимиз бўйича 667 миллион доллар грант ҳисобига 160 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Лекин ушбу лойиҳалар ҳолати, маблағларни ўзлаштириш самарасини баҳолаш, мақсадли ишлатиш устидан назорат механизми йўқ. Грантлар ҳисобига ишга туширилган объектлар ва ускуналардан, лойиҳалар доирасида орттирилган тажрибадан самарали фойдаланилмаяпти. Илм-фан, инновация, экология каби соҳаларга грантлар кам жалб этилаяпти.

Шу боис грант маблағларини фаол жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича навбатдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Ҳар бир устувор соҳа ва тармоқ бўйича янги грант маблағларини жалб этиш юзасидан топшириқлар берилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига грантлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини баҳолаш бўйича янги тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига хориждаги ваколатхоналар билан биргаликда халқаро донор ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2020 йилда грантлар жалб этиш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқиши, бу маблағлар устувор мақсадларга ва аниқ лойиҳаларга йўналтирилиши зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун, соғлиқни сақлаш тизими бўйича онкология, болалар хасталиклари ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар, лабораториялар ташкил этиш каби устувор йўналишларга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, JICA, KOICA каби донорлар маблағларини жалб қилиш мумкин.

БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фондига ҳам грантлар келишини кўпайтиришга доир кўрсатмалар берилди.

Беғараз ёрдам ҳисобига хорижий мутахассислар ва волонтёрларни жалб этиш кўламини кенгайтириш, улар билан доимий мулоқот олиб бориб, тажрибасидан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

Муносабат

Актам ХАИТОВ:

Сайлов – жиддий ва муросасиз рақобат майдони

Кейинги йилларда мамлакатимизда демократик сайловлар ўтказиш муҳим ижтимоий-сиёсий анъанага айланди. Буни нафақат маҳаллий, балки хорижий нуфузли экспертлар ҳам бирдек эътироф этишмоқда. Энг муҳими, одамларнинг ана шу воқеа-ҳодисанинг келажакдаги ислоҳотлар самараларига қанчалик таъсир қилишини англаб етганидир. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, сайлов жараёнларида барчамизнинг дунёқарашимиз ва ҳуқуқий маданиятимиз, гражданлик позициямиз яна бир бор намоён бўлади.



Бу галги сайловлар том маънода кучли рақобат остида ўтгани, тарғибот-ташвиқот тадбирлари очиқ-ошкора ташкил этилгани, биринчи марта дебатлар дебатга ўхшагани, депутатликка номзодлар илк бор янги-янги ва қарама-қарши ғояларни, теша тегмаган таклифларни илгари сургани билан эсда қоладиган бўлди.

Кенг жамоатчиликнинг диққатини тортган айни жараёнга оид хулосалар сайловларнинг дастлабки натижалари расман эълон қилиниши билан чуқур таҳлилларга айланиши, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар омиллари мушоҳада чиғириғидан ўтказилиши ҳам табиий ҳол, албатта.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мухбиримиз Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам ХАИТОВга бир неча савол билан мурожаат этди.

– Актам Аҳмадович, жорий сайловларнинг "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида бўлиб ўтиши моҳият эътибори билан жамиятимизда кечаётган ўзгаришлар, янгиланишларга жуда ҳамоҳанг бўлди, шундай эмасми?

– Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги – миллий юксалиш босқичига дадил қадам қўйди. Бошқача айтганда, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ҳар томонлама юксалиш палласига кирди. Барча соҳаларда модернизациялаш жараёнлари қизғин тус оляпти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик имижи яратилмоқда. Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадлар сари изчил қадам ташламоқдамиз. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, биз бугун қандай ислоҳотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, олижаноб, бағрикенг халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб ўтаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгил қилишдан иборатдир.

Саволингизга келадиган бўлсак, янги Ўзбекистоннинг янги сайловлари барчамиз кўриб, бевосита гувоҳи бўлганимиздек, номига муносиб тарзда ўтди, дейишга бугун асосларимиз етарли.

Биринчидан, сайловлар илк бор Сайлов кодекси асосида ташкил қилинди. Шунинг ўзиёқ сайловларнинг мутлақо янгича йўсиндалигини яққол кўрсатиб турибди. Мамнуният билан қайд этиш керакки, кодекснинг долзарб жиҳати – унинг халқчиллигида. Унинг яратилишида нафақат сайлов бўйича тўпланган тажриба, балки халқимизнинг асрлар синовидан ўтган миллий анъана ва қадриятлари ҳам инобатга олинган. Кодексни варақлаган одам ундан сайлов билан боғлиқ барча саволларига жавоб топа олади. Энг муҳими, ошкоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик принциплар сайлов кодексидан мустаҳкам ўрин олган. Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун квоталарнинг бекор қилиниши ҳам парламентдаги ўринлар учун курашда жиддий рақобат муҳитини янада кучайтиргани шубҳасиз. Депутатликка номзод кўрсатиш фақат сиёсий партиялар томонидан амалга оширилди. Аввалари бундай имконият фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташаббускор гуруҳларда ҳам бор эди. Бундай тартиб сиёсий партияларнинг нуфузини ошириш, улар ўртасидаги соғлом рақобатни кучайтириш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихида биринчи марта сиёсий партиялар очиқ митинглар ўтказди. Бутунлай янгича форматдаги ана шундай оммавий тарғибот акциялари O'zLiDeP томонидан ҳам кўтаринки кайфиятда уюштирилди. Таниқли олимлар, спортчилар, санъаткорлар иштирок этган, номзодларимизни қўллаб-қувватлашга бағишланган мулоқотлар "Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!" шиори остида дастлаб пойтахтимизда, сўнгра республикамизнинг барча ҳудудларида юксак савияда ташкил этилди.

3

УШБУ СОНДА:

Йиллар, воқеалар, натижалар



Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига

Бир жасур бўлуб танилубмизки, бизни кечирсунлар!

Ман нима ва кимдан қўрқаман?

Айниқса, маним ишим жуда ҳам қийин: ёзай десам, ошна-оғайнининг шўртумшуқлиғидан, ёзмай десам, "Муштум" поччанинг жекиригидан қўрқаман.

Яна бундан бошқа қўрқатурган икир-чикирларим:

– Эски шаҳар кўчаларидан юрсам, бетимга лой сачрашидан қўрқаман.

6

Қиём НАЗАРОВ:

Биз янги қиёфани яратишдек камида ўн беш-йигирма йиллик йўлнинг бошланишида, учинчи йилнинг ниҳоясида турибмиз. Бу йўлда бизни яна нималар кутмоқда, қандай тўсиқлар учраши мумкин? Барчамиз шу сермашаққат йўлдан боришга тайёрмизми? O'zLiDeP таянаётган гоя ва шиорларни бажариш учун қандай имкониятларимиз бор?..

5

Биринчи муаллимга мактуб



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг баёноти

Жорий йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларнинг натижалари бўйича қатор халқаро ташкилотларнинг миссиялари ва хорижий мамлакатларнинг делегациялари кузатувларининг дастлабки хулосаларига доир баёнотлар билан чиқди.

Марказий сайлов комиссияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХҲТнинг Парламент Ассамблеяси миссиясига, ШҲТ, МДҲ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши миссияларига ва барча халқаро кузатувчиларга Ўзбекистон Республикасига сайловларни адолатли, ҳалол ва шаффоф, умумэътироф этилган стандартлар ва энг мақбул амалиётлар, мамлакатимизнинг сайловлар соҳасидаги мажбуриятларига биноан ўтказишда кўрсатган ғоят улкан ёрдами учун самимий миннатдорлик билдиради.

Ўзбекистон Республикасидаги сайловларга биринчи марта мисли кўрилмаган даражада кўп халқаро кузатувчилар ва хорижий давлатларнинг кузатувчилари, чет мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилди. Сайловларда жами 50 дан ортиқ хорижий давлатдан ва 10 та халқаро ташкилотдан 800 дан зиёд кузатувчи, шунингдек, чет мамлакатларнинг 130 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси вакиллари мониторинг ва ёритиш ишларини олиб борди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг сайловларни чинакам демократик тамойиллар асосида ўтказишга, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун барча шароитни таъминлашга қатъий амал қилаётганининг ёрқин далилидир.

Марказий сайлов комиссияси халқаро кузатувчиларга ва хорижий давлатларнинг кузатувчиларига Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлган парламент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида мамлакатимиз томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишларни холис эътироф этганлари учун чуқур миннатдорлик изҳор этади.

Сайловларнинг Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йили бошланган ва Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини босқичма-босқич ўзгартириш ва юксалтиришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўтказилгани халқаро кузатувчиларнинг миссиялари ва делегацияларининг баёнотларида ҳақли равишда алоҳида таъкидланган. Айни пайтда "Олий Мажлисга "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида бўлиб ўтган сайловлар ортга қайтмас характер касб этган модернизация ва демократлаштириш жараёнларидаги муҳим босқич экани" ҳақли равишда алоҳида таъкидланган. Марказий сайлов комиссиясининг ва бошқа ташкилотларнинг мамлакатимиз сайлов қонунчилигини янгилаш, сайлов жараёнини бошқариш, ахборот тизимини жорий этиш, сайловолди ташвиқотини янги форматда ташкил қилиш ва ўтказиш, кўп сонли халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг, жумладан, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчиларининг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг сайловларда тўсиқинликларсиз иштирок этишини таъминлаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш борасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш каби йўналишларда амалга оширган ишларига юқори баҳо берилган.

Шунинг билан бирга, халқаро кузатувчиларнинг миссиялари ва делегациялари томонидан сайлов қонунчилигини ва сайлов амалиётини янада такомиллаштириш, сайловларни чинакам демократик сайловлар бўйича халқаро стандартлар ва энг мақбул амалиётлар асосида ўтказиш борасида қатор тавсиялар тақдим этилди.

Жумладан, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси ва ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловларни кузатиш бўйича халқаро миссиясининг дастлабки натижалари ва хулосаларга оид баёнотида шахсни тасдиқловчи ҳужжатсиз овоз бериш, "бир кишининг бутун оила учун овоз бериши", овозларни санаб чиқишдаги айрим қоидабузарликлар, хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш зарурати, депутатликка мустақил номзодларнинг йўқлиги ва фуқаролик жамияти институтларига сайловларни кузатиб бориш имконияти берилмаганлиги борасида аниқланган айрим ҳолатлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Марказий сайлов комиссияси тўла масъулият билан маълум қиладики, халқаро кузатувчиларнинг хулосалари ва тавсиялари Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ва сайлов амалиётини янада такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган режали ва изчил ишларнинг асосидан жой олади, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ушбу соҳада барча манфаатдор томонлар билан амалий мулоқотни давом эттиришга тайёр.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси бўлиб ўтган сайловларнинг натижаларини, шунингдек, халқаро ва хорижлик кузатувчиларнинг баёнотларини сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, баён этилган хулосалар ва тавсияларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш учун синчиклаб ўрганишга ва уларнинг чуқур таҳлилини ўтказишга киришди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси бўлиб ўтган сайловларнинг якунлари бўйича фикр алмашиш, энг муҳим тавсияларни ва уларни амалга ошириш йўлларини кўриб чиқиш учун 2020 йилнинг иккинчи чорагида миллий ва халқаро даражадаги барча манфаатдор ташкилотлар иштирокида халқаро конференция ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пировардида Марказий сайлов комиссияси миллий қонунчиликни ва қонунларни қўллаш амалиётини ягона мақсад – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва ҳақиқатда билдиришини таъминлашга қаратилган халқаро сайлов ҳуқуқларига мувофиқлаштиришга доир ишларни давом эттиришга ўзининг қатъий тайёрлигини таъкидлаб, сайловлар соҳасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан амалий ишларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттиришга умид билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Муносабат



Кўкрак нишонлари топширилди

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра 2018 йил 14 ноябрь куни "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони таъсис этилди.

Шу муносабат билан республика нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари томонидан 2500 га яқин номзоддан энг муносиблари саралаб олинди ва Маслаҳат кенгашига тақдим этилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинлари вакилларининг энг фаол 49 нафари фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишида эришган ютуқлари "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонига муносиб топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши раҳбари Акмал Саидов мамлакатимизда кечаётган шиддатли ислоҳотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

– Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожига бўлган эътибор ғоят кучли, – деди Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори Сайёра Ҳўжаева. – Бунда тегишли фармонлар муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилгани, миллий қонунчилигимиз бу борада доимий такомиллашиб бораётгани аҳамиятлидир. "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони таъсис этилгани диққатга сазовор. Жамоамизнинг фаолияти аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилгандир.

– Юртимизда ННТларнинг илғор ташаббуслари доимий қўллаб-қувватланмоқда, – деди Ўзбекистон корейс миллий маданий марказлари ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Виталий Ким. – Кечаётган шиддатли ислоҳотлар фуқаролик жамияти институтининг турли бўғинлари фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Ижтимоий шерикчилик, жамоат назоратига оид амалий чора-тадбирлар тобора фаоллашмоқда. Фуқаролик жамияти ривожига бўлган бундай эътибор катта масъулият, ишга профессионал ёндашув, катта билимни ҳам талаб этмоқда.

"Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони ўз эгаларига топширилди. Айни пайтда бир гуруҳ фаол нодавлат нотижорат ташкилотларига сертификатлар тақдим этилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Рустам Қосимов сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ҳуқуқий дахлдорлик масъулияти биз буни қанчалик ҳис қиляпмиз?

Бош қомусимиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда энг олий қадрият сифатида инсон ҳуқуқларини кафолатлаш йўлида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича тўхталиб ўтди.

Шунингдек, "Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозимлиги"ни алоҳида қайд этиш баробарида олдимизда турган долзарб вазифалар, қилишимиз лозим бўлган ишлар, ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишдан бошлаб, унинг ижросигача ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, шахсий жавобгарликни оширишимиз жоизлиги юзасидан ҳар бир соҳа олдида турган дастуриламал йўналишларни ҳам белгилаб берди.

Дарҳақиқат, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Бош қомусимиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда нуфузини оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Асосий қонунимиз миллий демократик тараққиёт йилларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил, босқичма-босқич, узвий ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотларнинг мустаҳкам манбаи ҳамда асосий кафолатидир.

Албатта, Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламига етказиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Биргина жорий йилнинг ўзидаёқ 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармони ва қарорлари қабул қилингани ҳам айни эзгу ғоя ва мақсадларни кундалик турмушимизга татбиқ этиш, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Аммо шу билан бирга давлатимиз раҳбари айтганидек *"...биз қанчалик мукаммал қонунлар яратмайлик, қандай ислоҳотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади...*

Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак. Лекин ана шундай ҳуқуқий масъулиятни бугун ҳаммада ҳам шакллантира олаяпмизми?".

Аҳамият берган бўлсангиз, гап ҳуқуқий масъулият, жамиятда ҳуқуқий тафаккурни ошириш, фуқароларимизда қонунлар асосида кундалик яшаш турмуш тарзини шакллантиришни кенг тарғиб этиш ҳақида бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, биз Асосий қонунимиз берган имкониятлар тўғрисида кўп гапиришимиз мумкин, лекин баъзан ҳуқуқларимизни талаб қилиш билан бирга бажаришимиз лозимлиги ҳақида ўйлаш учун ўзимизда куч тополмаймиз.

Ҳар биримиз кундалик турмушда, ўқишда ёки ишда бўладими, фуқаролик ҳуқуқларимиздан фойдаланиш билан бирга зиммамиздаги бурчимизни ҳам тўлақонли бажаряпмизми, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни амалга оширишда бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларига путур етказиб қўймаяпмизми, ҳуқуқ ва бурч масъулиятини бирдек ҳис қилиб, шунга амал қилаяпмизми, деган саволларни олдимизга қайта-қайта қўйишимиз керакдай. Чунки ҳуқуқий маданият, аввалombор, ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқи ва бурчини бирдек билиши, унга тенг амал қилиши демакдир.

Шунинг учун ҳам юртбошимиз *"айрим фуқароларимиз бошқарув идораларидан масъулият талаб қилишни яхши билади-ю, лекин ўзининг жамият олдидаги, қонун олдидаги масъулияти ва мажбуриятини унутиб қўяди"* деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мисол учун, айрим фуқаролар томонидан суд ҳужжатларидан норози бўлиб йўлланаётган мурожаатларда ҳам айнан шундай ҳолатларни кўриб турибмиз. Ажабланарлиси, суд қарори бир чеккада қолиб кетади-да, судьянинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урувчи гаплар ёзилади. Ахир, қабул қилинган суд қарорининг қонунийлигига баҳо берувчи юқори инстанция судлари борку, нима учун шикоят хатини қоралаётганда гапни фақат қабул қилинган суд ҳужжатидан эмас, судьянинг шаънини ерга урувчи бўлмағур сўзлардан бошлаймиз.

Демак, бу масалалар ҳам ҳали биз ҳуқуқшунослар, судьялар олдида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий тарғиботни олиб боришда талай вазифалар турганини кўрсатади. Тўғриси, яна ҳамкасбларим нотўғри тушунмасин-у, олиб борилаётган сайёр қабуллар, сайёр суд мажлислари, халқ билан мулоқот доирасида қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва масъулиятини англашини ошириш бўйича ўтказилаётган учрашувлар ёки маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган профилактик тадбирлар ўзининг тўлиқ ижобий натижасини бераяпти деб айта олмаймиз. Мамлакатимизни янгилаш, миллий юксалишни ривожлантириш жараёнида фуқаролар онгида ҳуқуқни англаш ва ҳуқуқий дахлдорлик масъулиятини кучайтиришда аслида биз юристлар биринчилар қаторида ташаббус кўрсатишимиз лозим.

Шундай экан, жамиятимизда Конституция ва қонунлар устуворлигида яшаш дунёқарашини шакллантириш, фуқароларда ватанпарварлик ва ҳуқуқий дахлдорлик масъулиятини ошириш фаолиятимизнинг бош мезони ва мазмуни бўлиши даркор.

Ҳусан ТУРСУНОВ,
Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси

Актам ХАИТОВ:

Сайлов – жиддий ва муросасиз рақобат майдони

Бошланиши 1-саҳифада.

Учинчидан, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида, хусусан, электрон нашрлар, ижтимоий тармоқларда сайловлар ҳақидаги фикрлар очиқ-ошкора, дадил айтилаётгани ҳам биринчи марта, десам ҳеч ким инкор этмаса керак. Яъни, бу ҳолат жамоатчилик назоратининг ўзига хос шакли, сайловларимизнинг ҳалол ва адолатли ўтишини таъминлаган асосий омиллардандир. Қаердаки жамоатчилик назорати кучли бўлса, ўша ерда одамларда ишончсизлик уйғотадиган хатти-ҳаракатларнинг олди олинади. Юртимизда тобора мустаҳкам қарор топиб бораётган сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларидаги, ижтимоий тармоқлардаги кескин жонланиш мамлакатимизнинг замонавий демократик давлат сифатида дунёга бўй кўрсатаётганининг ёрқин далилидир.

Партиямиз сайлов жараёнида журналистларимизнинг фаоллигини, жумладан, мустақил блогерларнинг дадил чиқишларини алоҳида эътироф этади ва O‘zLiDeP бундан кейин ҳам улар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор. Кези келганда, сайлов жараёнларини ёритишда фаол қатнашган журналистларга миннатдорлик билдираман.

Тўртинчидан, илк бор сиёсий партиялар ўртасида очиқ, жонли, кескин ғоявий тортишувлар юз берди. Бу биз учун инқилобий ўзгариш бўлгани муболаға эмас. Зеро, аввалларителевидениеда жонли эфир вақтида партия раҳбарларининг муросасиз баҳслари бўлмасди. Мана, ҳамманинг кўз ўнгида қизғин дебатлар ташкил этилди. Очиқ-ошкора кечган мунозараларда сиёсий партиялар томонидан илгари сурилаётган ғоя ва мақсадларнинг қайсилари ҳаётий, диққатга лойиқ экани, қайсилари қуруқ ва пучлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Ҳақиқат баҳсда ҳамда қиёсда ойдинлашди, десам, муболаға бўлмаса керак. Хуллас, кампаниянинг мутлақо ошкора кечгани юртдошларимиз онгида қаттиқ ўрнашиб қолган, яъни ўтмишдаги сайловлардан қолган ҳар хил шубҳа-гумонларга буткул барҳам берди.

Партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан бири оммавий ахборот воситаларини том маънодаги “тўртинчи ҳокимият”га, аҳолини қийнаётган муаммоларни мутасаддиларга етказишнинг таъсирчан воситаси, халқ хизматчисига, демократия кўзгусига айлантиришдир. Давлат органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликларни, долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритиш ОАВ фаолиятини баҳолашда бош мезон бўлиб қолиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, сайлов кампаниясининг сўнгги 35 кунида партиямиздан кўрсатилган ҳар бир номзодни жойига бориб қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик ва бунга қайсидир маънода эришдик ҳам. Бу энг самарали йўл эди. Зотан, етакчи партия сифатида елкамизда катта масъулият бор. Ғалабага эришиш осон, ғалабани сақлаб қолиш қийин, дейишади-ку! Рақиблар ҳам қараб тургани йўқ албатта, бор куч-имкониятлар ишга солинди. Бундай вазиятда биз ҳам ҳар бир номзодимизни индивидуал қўллаб-қувватламасак, уларни халққа танитмасак, етарли даражада муваффақиятга эришишимиз мушкул эди. Олайлик, ўзим, партия лидери сифатида республикамизнинг барча ҳудудларига бориб, номзодларга қўшимча мадад беришга интилдим, сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилдим. Энг чекка жойларда ҳам партиямиз ғояларини оддий, тушунарли тилда аҳолига етказиш учун ҳаракат қилдик.

– Навбатдаги, айтиш керакки, анча муросасиз кечган сайловлар партия тизимидаги қайси йўналишларга эътиборни янада кучайтириш, қайси лойиҳаларни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди?

– Жуда жиддий савол бу. Боиси шундаки, сайловларнинг дастлабки босқичида парламентда бошқа партияларга нисбатан кўп ўрин (42 та) олганимиз натижалардан қониққанимизни англатмайди. 2020 йилнинг 5 январь куни такрорий овоз бериш ташкил этиладиган 25 та округдан номзодларимиз иштирок этадиган 15 тасида бизни ҳал қилувчи кураш кутиб турибди. Ана шу 15 та ўриндан аксариятини эгаллаш учун йўл қўйилган хатолардан жиддий хулоса чиқариш, нуқсонларга барҳам бериш, бўлимлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, инновацион сиёсий технологияларни жорий этишимиз лозим.

Модомики, олдимизда турган муҳим вазифалардан бири кадрлар масаласидир. Партиямизнинг стратегик вазифаларни ҳал эта олишга нечоғли қодирлиги сафимиздаги мутахассислар салоҳиятига бевосита боғлиқ. Айниқса, бу ҳозирги шароитда, зиммамиздаги улкан ва масъулиятли ишлар салмоғи ортганда жуда муҳим. Сиёсий фаолият кенг дунёқараш, зарур кўникмаларни талаб қилади. Бизга партия аъзоларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича семинар-тренингларнинг янада самарали, янада таъсирчан тизими зарур. Нафақат партия аппарати



ходимлари, балки барча фаолларимиз билимини оширишга жиддий эътибор беришимиз, улар орасидан чинакам лидерларни етиштиришнинг қисқа муддатда натижа берадиган тизимини йўлга қўйишимиз даркор. Тўғри, бу ишлар билан олдин ҳам шуғулланганмиз. Эндиликда эса бизга ҳозирги давр ва эртанги кун талабига жавоб берадиган мукаммал тизим зарур.

Шу билан бирга партия фаолиятига замонавий АКТларни янада кенгроқ жорий этиш, аҳоли билан мулоқотларда энг илғор технологик ютуқлардан фойдаланиш лозим. Хусусан, веб-сайтимиз, партиямиз нашри бўлмиш “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси, ижтимоий тармоқлар, мобиль иловалар орқали онлайн режимда барча бўғиндаги депутатларнинг сайловчилар билан мулоқот қилиш имконини берадиган электрон тизимни амалиётга татбиқ қилиш вақти етди. Айни пайтда одамларнинг партиямиз фаолиятини кузатиб, ишимизга бемалол баҳо беришлари имконини берувчи ўзаро алоқа тизимини ишга тушириш ҳам яқин истиқболга мўлжалланган режаларимиздан бири. Шунингдек, депутатларимиз иш самарадорлигини, ҳудудий кенгашлар фаолиятини баҳолайдиган рейтингларни мунтазам юритиш ҳам етакчи партия сифатида мавқеимиз мустаҳкамланишига хизмат қилади.

– Сайлов ўтганидан кейин партиялар иши сусаяди, уларнинг бор-йўқлиги деярли сезилмай қолади, қабилидаги гап-сўзлар ҳозир ҳам қулоққа чалиняпти. Бундай қарашларга муносабатингиз қандай?

– Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган бугунги сиёсатда халқ билан яқин мулоқотда бўлиш, одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, уларнинг муаммоларига ечим излаш устувор аҳамият касб этяпти. Партиямиз ҳар бир лойиҳа, ҳар бир тадбир орқали халқ орасига чуқурроқ кириб бораётгани ҳам бежиз эмас. Масалан, биргина ниҳоясига етаётган йилда партия тузилмалари ходимлари, депутатлар, фаолларимиздан иборат ишчи гуруҳлар жойларда “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” каби дастурлар ижросини ўрганиш юзасидан электорат вакиллари ва аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказди. Ўрганишлар давомида сафдошларимиз 80 мингга яқин хонадонга кириб борди. Бунинг натижада аниқланган салкам 35 мингта муаммо туман, вилоят ва республика даражасида ҳал этиладиган таснифларга ажратилди. Уларнинг аксариятига оқилона ечим топишда партиямиз вакиллари рибди, яъни, бизга овоз берган, ишонган юртдошларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун аниқ амалий ишларни изчил давом эттирмоғимиз керак.

– Бугун, яъни сайловларнинг дастлабки натижалари эълон қилинган вақтда O‘zLiDeP томонидан биринчи галда амалга оширадиган вазифалар нималардан иборат?

– Аввало, сайлов ҳали бутунлай тамомланмаганини эслатиб ўтиш жоиз. Шундан келиб чиқиб айтмоқчиманки, биринчи навбатда бажарилиши зарур ишларимиз сирасига такрорий овоз бериш жараёнларида ҳам муваффақият қозониш киради.

Маълумки, Асосий қонунимизда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилиши белгилаб қўйилган. Такрорий овоз бериш якунларига кўра партиямиз ҳозирги етакчилик мавқеини сақлаб қолса, биз эса албатта бунга эришишга ҳаракат қиламиз. Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан яна бири Бош вазир номзоди кўрсатиладиган Сиёсий Кенгаш йиғилишига жиддий тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ бўлади.

Ундан кейинги катта вазифамиз кўпчилик юртдошларимиз томонидан ишонч билдирилган партиямиз сайловолди дастурини амалга оширишга қаратилган пухта “Йўл харита”сини ишлаб чиқишдан иборат. Бу ишга қанча тез киришсак, шунча яхши бўлади. Кейинги беш йилга мўлжалланган дастуримизда жуда улкан вазифалар белгиланганидан яхши хабардорсиз. Биргина давлат бошқаруви соҳасида кўплаб янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга изчил татбиқ этиш назарда тутилган.

Хусусан, аграр соҳада ислоҳотларни амалга ошириш концепцияси доирасида ер ижараси, кооперация муносабатларини такомиллаштириш, бизнес юритиш муҳитини яхшилаш, микромолиялаштиришни кенгайтириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, бозор механизмларини кенгайтириш, таълим, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади. Бир сўз билан айтганда, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта йўналишига ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилган сайловолди дастуримиздаги ҳар бир йўналиш бўйича баён қилинган вазифаларни рўёбга чиқаришга қатъий бел боғлаганмиз.



Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Депутат халқни алдамаса...

Тан олиш керак, сайловчи истаги кўп нарсани ҳал этади! Жорий сайловда бу янада яққол намоён бўлди.

Сир эмас, аввалларибу номзодлар асосан сайловолди тарғибот вақтидагина аҳоли билан учрашиб, уларни узуқ-юлуқ дастури билан таништиришган, амалга оширмоқчи бўлган баландпарвоз режалари ҳақида қуруқ ваъда берган. Ва халқ ҳам бошқа номзоддан қиёсий равишда ўзлари устунроқ, лаёқатли деб билган номзодга овоз берган. Халқимизнинг ишонувчан, соддалигидан фойдаланган номзод депутат бўлиб сайлангач, ўзини танлаган одамларни бир зумда унутган ҳам, ҳатто ҳолидан, турмуш тарзидан хабар олмай қўйган. Қарабсизки, вақт шамолдай ўтади, навбатдаги сайлов арафасида номзоди қайта қўйилиб қолгудек бўлса, яна ўша халқ ҳузурига бош уриб боришга мажбур, тағин заррача уялмасдан, беш йил бурунги қоғоздаги осмоний ваъдаларини санаб ғолибликка даъвогарлик қилгани сир эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айта оламанки, энди у замонлар ортда қолди. Халқимизнинг дунёқараши тубдан ўзгарди, халқ ноиби ким бўлиши, унинг салоҳияти ўзининг ҳаёти билан тенглигини англаб етди. Яширмайлик, одамларимизнинг руҳи, содир бўлаётган жараёнларга холисона муносабатда бўлаётганидан бехабар айрим номзодлар ҳалиям эскича фикрлаб, қолипга тушиб қолгани кечаги сайловда жуда панд берганига гувоҳ бўлдик. Бундай ҳолатларга барҳам бериш зарур. Энди ўзгача фикрлаётган, янгиланаётган Ўзбекистон тақдирига бефарқ бўлмаган халқ қалби, ғурури билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Мен, чин юракдан кечагина бўлиб ўтган одилона, рақобатларга бой кечган синовда номзодимни ёқлаб, ишониб овоз берган сайловчиларимга таъзим қиламан!

Номзодим рўйхатга олинган округга қарашли ҳудудларда маҳаллама-маҳалла, керак бўлса уйма-уй юрганимда улар мени жуда самимий руҳда кутиб олишди. Ўзларининг жон жигаргўшаларидек кўнгилларидаги бор орзу-армонлари, қийнаётган ҳаёт ташвишларини ўртоқлашишди. Кекса отахон ва онахонларни айтмайсизми?! Ҳамма-ҳаммаси учрашув, мулоқотларда ёнма-ён, бақамти юришди.

“Бизга сиздек депутат керак!”. Уларнинг юзимга қараб, чин юракдан айтган дил сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди. Айниқса, сайловчиларимнинг менга ишонч билан термулган нигоҳларини ҳеч қачон унутмайман. Бундай ишонч туйғуси менга уларга янада яқинроқ бўлишимда куч, далда бўлди. Насиб этса, ўзимга қатъий сўз бердим: ўтган беш йилда амалга оширолмаган режаларимни ушбу округда умргузаронлик қилаётган инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган халқчил қонунларни қабул қилиш, асосийси, уларни рози қилишдек масъулиятни вазифани шараф билан уддалашга бор куч, салоҳиятим, билимимни бағишлайман!



Дилшод ШОУМАРОВ,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Ишонч қозониш осон эмас!


Мақтанишмас-у, ўзим яқиндан билган, поёнига етаётган, тарих мулкига айланаётган депутатлик фаолиятим даврида менга дарди, орзу ва истакларини очиқ-ойдин айта олган сайловчиларим менга яна қатъий ишонч билдириб овоз беришларига, қўллаб-қувватлашларига ишонгандим.

Бундай муносиб эътирофга сазовор бўлиш учун астойдил, қўлдан келганча, ўз депутатлик ваколатимдан фойдаланган ҳолда, аввало, одамларнинг оғирини енгил қилишга, асосан, уйма-уй юриб, уларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишишга ва ҳаётий талаб-эҳтиёжларини баҳоли қудрат қондиришга ҳаракат қилдим.

Ҳаммамизга аёнки, айни даврда кўпчиликнинг асосий муаммоси бу ишсизлик билан боғлиқ. Бир фуқарога моддий кўмак бериб тургандан кўра уни ишли қилган минг карра афзалроқ деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам қисқа вақтда 100 дан зиёд сайловчимни ана шундай бахтга эришишида ва оиласининг фаровонлигини таъминлашда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳисса қўшдик.

Номзодим кўрсатилган пойтахтимиздаги 2-Абдулла Қодирий сайлов округи Учтепа туманининг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Шу боис асосий эътиборни яна айни ҳудудни ободонлаштиришга қаратдик. Абдулла Қодирий, Бешқайрағоч, Хуршид, Ғайратий, Хондамир, Ибрат, Пахтакор, Латиф гузар, Кўкча Оқтепа, Шарқ гули маҳаллаларининг замонавий қиёфа касб этишида қўлимиздан келгунча ёрдам бердик. Миннат қилмайман, шу ҳудудга қарашли 29 гектар майдондан иборат бўлган Назарбек кўприги ва Сайид Ваққос ота қабристони атрофларини гўзал кўринишга келтирдик, кўчатлар ўтқаздик. Ҳозир бу манзиллар обод ва кўркам жойларга айланиб улгурди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиш, тадбиркорлик қилишлари учун керакли шароитларни яратиш ва эркин меҳнат қилишларини таъминлаш аллақачон доимий иш мезонимга айланиб улгурган. Энг муҳими, ёшларимизнинг келажагини ўйлаган ҳолда, уларни тадбиркорликка тайёрлашга ихтисослашган бепул ўқув марказларимиз мунтазам ишлаб турибди. Бугун у ерда таҳсил олаётган ўғил-қизларимиз ҳademай тайёр малакали кадрларга айланади, қўлимиздан ишимизни олиб, бизга кўмакдош бўлади. Ана шу ҳолат мени доим қувонтириб келади ва уларнинг келажагидан хотиржам этади. Ишонасизми, улар, яъни менинг чинакам шогирдларимнинг аксарияти бу йилги сайловда илк бора овоз беришди. Шу боис елкадошларимга, ўғил-қизу шогирдларимга айланиб улгурган сайловчиларим мени навбатдаги сайловда ҳам қўллаб-қувватлашларига юрагимдан ишонган эдим. Янги йилни ёруғ юз билан кутиб олиш насиб этганидан шодман.



Йиллар, воқеалар, натижалар

Янгиланаётган Ўзбекистон. Муболағасиз айтиш мумкин, ушбу ибора аста-секин халқимиз онгу шуури, тафаккурида ўзгача руҳда жаранглamoқда. Қолаверса, мамлакатимизнинг тарихий эврилишларида кейинги уч йилдан кўпроқ даврнинг аҳамияти, қадр-қиммати беқиёс. Биз бугун, янги — 2020 йил остонасида, Ватанимиз тарихида ўрин тутувчи айрим унутилмас саналарни газетамиз ўқувчиларига яна бир бор эслатмоқни лозим топдик.

***

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди. Мазкур тизимнинг асоси бўлган Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди. Президент виртуал қабулхонасига бир йил давомида 1 миллион 600 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

***

Кейинги уч йилда "Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш" тамойили изчиллик билан амалда татбиқ этилди. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши



қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда.
Туркманистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди, қиймати 2 миллиард доллардан зиёд иқтисодий битимлар тузилди. Тожикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди.

***


Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармонига биноан "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" қабул қилинди. Мазкур ҳужжат мамлакатимиз тақдирини ҳал қилувчи ўта муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи бош миллий ғояга айланди. Ҳаракатлар стратегиясида баён этилган мақсад ва вазифалар халқимиз орзу-умидларига тўла ҳамоҳанг.

***

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида"ги фармони ҳамда 2017 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонун ушбу йўналишдаги ислоҳотларда янги босқични бошлаб берди.

***

2018 йил 19 апрелда Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ишга тушди. Қандим газконденсат конлари гуруҳи негизида бунёд этилган мазкур саноат корхонаси Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигининг юксак намунасидир. Унинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 8,1 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлашга мўлжалланган. Мажмуа тўла қувват билан ишлаганда 212 минг тонна соф олтингугурт, 134



минг тонна барқарорлаштирилган газ конденсати олинади, тозаланган табиий газ экспортга йўналтирилади. Лойиҳа доирасида Қоракўл туманининг олис чўл ҳудудида 1 минг 150 кишига мўлжалланган замонавий шаҳарча бунёд этилди. Бу янги саноат комплекси нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасидаги ноёб саноат объектларидан бирига айланди.

***

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 18-20 сентябрь кунлари АҚШ сафари давомида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Ўзбекистоннинг сиёсати ва иқтисодиёти тўғрисида қисқача шарҳ берди, Ассамблея иштирокчилари диққатини глобал муаммоларга қаратди, муҳим ташаббус ва таклифларни илгари сурди. Юртбошимиз маърузаси дунё жамоатчилигида улкан қизиқиш уйғотди.



***

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Фақат кейинги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сони 112 тага етди. Буларнинг 13 таси нуфузли хорижий



университетларнинг филиаллари экани алоҳида эътиборга молик.

***

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охирги уч йил мобайнида Президентимизнинг элликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юнусобод туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси Дилдора АКРАМОВА тайёрлади.

Янги Ўзбекистон феномени

(4-мақола)

Бугун барчамиз мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтган ва жаҳон жамоатчилигининг диққатини тортган демократик сайловлар таъсирида яшамоқдамиз. Унинг натижалари асосида юртимизнинг янги қиёфасини яратишга қаратилган ислоҳотлар билан боғлиқ долзарб вазифалар янада аниқлашиб, бу борадаги хаётий дастурлар ва чора-тадбирлар режалари белгилаб олинмоқда. Кўппартиявийлик шароитида етакчиликни мустаҳкамлашга интилаётган O‘zLiDePнинг мафкуравий стратегияси учун сайловдан кейинги фаолият мезонларини аниқлаб олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу сайловлар кўплаб натижалар билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жамиятимиз, ҳақиқатан ҳам, янгиланаётгани, янги Ўзбекистон барпо этилаётгани тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларни мустаҳкамлади. Кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл мақсад-муддаоларини лўнда ва ниҳоятда маъноли ифодалайдиган “Янги Ўзбекистонни барпо этиш” ғояси O‘zLiDeP фаолиятининг асосий мезонига айлангани бежиз эмас. Шунинг учун ҳам баъзи “таҳлилчилар”нинг ноғорасига ўйнаганлар ижтимоий тармоқларда “Янги Ўзбекистон” ғоясининг оҳорини тўкиш, уни обрўсизлантиришга ҳаракат қилган бир шароитда, фақат O‘zLiDePгина унинг мазмун-моҳиятини, мақсад-муддаоларини тўғри тушунтиришга ҳаракат қилган ягона сиёсий куч бўлди. Ушбу ғоя юртимизда кечаётган туб ўзгаришларнинг муҳим мақсад-муддаоларини бошқа ғоялардан кўра тўла-тўкис ва ёрқин ифодалайди. “Мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш” тушунчаси эса ана шу ғоянинг халқ тилидаги ифодаси, унинг маънодошидир. Уларни бир-биридан айри тасаввур этиб бўлмайди, чунки бу илм-фан, айниқса, мафкура нуқтаи назаридан методологик хатога олиб келади ва амалиётда муайян чалкашликка сабаб бўлади. Гарчанд баъзилар мазкур фаннинг ўзига хос қонуниятлари ва аксиомалари мавжудлигини билиб-билмасликка, аксарият ҳолларда уларни ҳисобга олмасликка ҳаракат қилсалар-да, унинг барча замонларда амал қиладиган қонунлари ва тамойиллари бутунлай йўқолиб кетмайди.

Бу жиҳатдан, кўппартиявийлик шароитида фақатгина мамлакатдаги сиёсий кучлар эмас, балки барча миллатлар ва элатлар, турли дин ва конфессиялар вакиллари, хилма-хил қатламлар учун умумий ғоя ва шиорларни танлаш масаласи ниҳоятда муҳимлигини ҳеч қачон назардан қочирмаслик лозим. Чунки бундай шиор ва ғоялар халқнинг онгига сингади, уни умумий мақсадлар сари бирлаштириш ва сафарбар этишга хизмат қилади, бу борадаги фаолият учун ғоявий асос бўлади.

Худди шундай, ғоя ва мафкуравий шиорларни тез-тез алмаштириш ҳам идеологик жиҳатдан унчалик мақбул ҳисобланмайди. **Идеологияда бир замонлар унинг яратувчилари томонидан қайд қилинган “уч авлод уйғунлиги қоидаси” деб аталадиган бир тамойил бор. Кўпчилик унутиб юборган ва ушбу фаннинг сир-асрорларини яхши билмайдиган айрим “мафкурачи”лар унчалик эътибор бермайдиган ҳамда билиб-билмасликка оладиган бу қоидага кўра, бирор мамлакатда қирқ йилда мафкура уч марта ўзгарса, учинчи мафкурага халқни ишонтириш ниҳоятда қийин кечар экан.** Чунки биринчи мафкурага ишонган кишининг невараси туғилганида у камида 40 ёшда, унинг ўғли эса 20 ёшда бўлар экан. Агар унинг невараси 40 ёшга етгунича мафкура уч марта ўзгарса, 80 ёшли ота, унинг 60 ёшли ўғли, 40 ёшга кирган невараси бобонинг 20 ёшли эвараси ва эндигина туғилган чеварасини ғоя ва қарашларни тез-тез ўзгартиришнинг фойдасизлигига ишонтира олишар, яъни учинчи мафкуранинг ўз фарзандлари онги ва қалбига сингмаслиги учун етарли мантиқий асосларни топишлари мумкин экан.

Президентимизнинг 2019 йил апрелидаги ҳозирги даврга мос мафкурани ишлаб чиқишга доир фармойиши **“Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”** деб номланиши ҳам бу соҳанинг ана шундай ўзига хос қонуниятлари ҳисобга олинганини яққол кўрсатади. Ушбу ҳужжатда янги босқичда янги миллий ғояни яратиш эмас, балки уни ривожлантириш жараёнига асосий эътибор берилгани асло бежиз бўлмаган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришилганидан кейин ишлаб чиқилган “Миллий истиқлол ғояси” концепцияси, аслида фақат бир мақсадга, яъни беш-ўн йилда собиқ “коммунистик ғоя” ўрнига “миллий ғоя” тушунчасини халқимизнинг қалби ва онгига сингдиришга хизмат қилиши лозим эди. Бу ҳақдаги рисоланинг ўша пайтдаги таълим тизими ва ундан ташқаридаги тарғибот учун мўлжалланган, умумий мазмундаги ва ўхшаш мавзулар такрорланган дастур ва қўлланмаларга асос бўлгани шундан. Истиқлолнинг иккинчи ўн йиллигида бу борадаги вазифа асосан бажарилди, “миллий ғоя” ибораси халқимиз орасида кенг тарқалди, унинг тафаккуридан ўзига хос ўрин эгаллади.

Афсуски, дастлабки дастурлар ва қўлланмалар 2005-2006 ўқув йилига келиб бутунлай ўзгаришига мўлжалланган режалар бажарилмагани, янги замон воқеликларига ҳамоҳанг дастур ва қўлланмалар ишлаб чиқилмагани, “миллий ғоя” иборасини билиб-билмай, ўринли ва ўринсиз қўллаш, ҳаддан ортиқ кўп ва ниҳоятда кенг маънода ишлатавериш, ундан баъзи ҳаромтомоқликлар йўлида фойдаланиш, шахсий манфаатлари учун бу соҳага кирган айрим “мутахассис”ларнинг кирдикорлари каби иллатлар қўшилиши ушбу тушунчанинг оҳорини бироз туширди, муайян даражада сийқаланишига олиб келди. Лекин бу мазкур тушунчанинг бутунлай йўқолишини, халқ қалби ва онгидан мутлақо ўчиб, муомаладан чиқиб кетишини англатмайди, албатта. Аксинча, “миллий ғоя”, “маънавият” ва “қадриятлар” каби тушунчаларни авайлаш, асл мазмун-моҳиятига заха етказмаслик, қадрини тушириб юбормаслик лозимлигидан далолат беради.

O‘zLiDeP учун бугунги кунда лойиҳаси муҳокама этилаётган “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”нинг асосий категорияси ва бош ғояси “Жамиятимизнинг янги қиёфаси”, “Янги Ўзбекистон” тушунчалари ва “Янги Ўзбекистонни барпо этиш” ғояси бўлиши мақсадга мувофиқ. Яъни, айнан ана шу ғоя ва тушунчалар бугунги кундаги миллий ғоямизнинг таянчига айланиши, унинг мақсад-муддаосини ва мазмун-моҳиятини белгилаши лозим.

Нега шундай? Чунки “янги қиёфа” тушунчаси муайян жамият ёки давлатга нисбатан қўлланилса, ҳар куни, ҳар ўн йил ва ҳатто бир неча ўн йил эмас, балки юз йилларда бир марта юз берадиган феноменал ҳодисани англатади ва муқаррар тарзда ўша ерда яшайдиган халқнинг миллий ғояси асосида шаклланади. Нисбатан қисқа даврда, икки ёки уч ўнйилликда яратилган янги қиёфа кейинги ўнйилликлар, асрлар давомида ўша мамлакат ва жамиятнинг бутун жаҳон аҳли тафаккури ва тасаввурида шаклланадиган ўзига хос ифодасига айланади. Бу йилги сайловлар туфайли “Жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш” ғояси янада оммалашди, унинг таъсир доираси янада кенгайди.

“Ўзбекистоннинг янги қиёфаси”, “Янги Ўзбекистон” тушунчалари бутун дунё ҳамжамиятининг мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурини ўзгартириб юборадиган феноменал воқеликни, халқимизнинг жумлаи жаҳон учун тушунарли ва ибратли бўлган янги социал портрети юзага келишини англатади. Ўзи ҳақидаги умумбашарий тасаввурни ўзгартира олган халқ янгиланган халқ, бундай давлат эса янги давлат дейилади. Аввало, бунда ҳам доно Суқротнинг “Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган киши аввал ўзини ўзгартириши лозим” деган ҳикмати ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўзини ўзгартириш ниҳоятда қийин иш ва шунинг учун барча ҳам бунга журъат қила олмайди.

Кейинги асрда кўплаб мамлакатлар миллий тараққиёт йўлидан боришга ҳаракат қилди. Аммо улар орасида ўзининг янги қиёфасини яратганлари ва бу ҳақдаги тасаввурни жаҳон аҳли тафаккурига сингдира олганлари бармоқ билан санарли. XX аср охири ва XXI аср бошларида Япония, “Осиё йўлбарслари” деб аталган мамлакатлар ва Жанубий Корея, сўнгра эса Хитой ва Сингапур ана шундай янги қиёфага кирди. Ушбу халқлар, ҳақли равишда, биз янги давлатни ва янги жамиятни, хусусан, янги Япония ва Кореяни, янги Хитой ва Сингапурни яратдик, дея олади. Бу янги қиёфа эса эндиликда ана шу мамлакатларнинг миллий ва умумжаҳоний инъикоси бўлиб қолаверади.

Нега шундай бўлди? Нима учун бошқалар бунинг уддасидан чиқа олмаяпти? Чунки бунинг учун камида қуйидаги учта омил мавжудлиги ва улар бир даврнинг ўзида мужассам бўлиши зарурлиги талаб қилинади:

– ушбу тарихий имконият, эҳтиёж ва заруриятни чуқур англаб, масъулиятни ўз зиммасига оладиган ва бу буюк мақсадни амалга оширишга тўла ишонч, шижоат ва довюраклик билан ислоҳотларга киришадиган, юксак салоҳиятли халқ лидерининг сиёсий майдонга чиқиши;

– ўзининг янги қиёфасини яратишга киришган мамлакатнинг мақсадга етишига имкон берадиган иқтисодий асослар ва ижтимоий омилларнинг мавжудлиги, ушбу йўналишдаги туб ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг амалга оширилиши, янгиланишлар йўлидан собитқадамлик билан борилиши;

– маънавий-маърифий омилларнинг мавжудлиги, яъни жаҳон тажрибаси ва миллий анъаналарнинг ҳисобга олиниши асносида халқнинг ислоҳотларга тайёрлиги ва уларга дахлдорлигини юксак даражада сезиши, фаол ва омилкор бўлиши.

Ушбу омилларнинг биттаси бўлмаса ҳам мақсадга эришиш мумкин эмас. Тарих шундай кечмоқдаки, бугун бизда ана шундай имконият юзага келди, зарур омилларнинг барчаси мужассам бўлмоқда. Аммо халқимизнинг янги қиёфасини яратиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш оддий ва автоматик тарзда амалга ошадиган, осон ва жўн иш эмас. Тарихимизда бундай ҳолат бор-йўғи икки мартагина содир бўлган, холос. Марказий Осиё Ренессанси деб ном олган, халқимиз юксак маънавий-маърифий тараққиётга эришган ва дунёга Имом Бухорий, Имом Термизий, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби алломалар авлодини етиштириб берган ўрта асрларда ҳамда Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг ушбу ҳудудда марказлашган давлат тузиб, туб ислоҳотлар ва янгиланишларни амалга оширган даврида элимизнинг бутун дунёга маълум ва манзур янги қиёфаси яратилган эди. Афсуски, шафқатсиз истилолар ҳамда кейинги даврлардаги залолатлар ўша қиёфани йўққа чиқарди. Халқимизнинг бесамар йўлларда сарсон-саргардон юриши ва жаҳолат сиртмоғида ушлаб турилишига сабаб бўлди.

“Оққан дарё оқаверади”, деган ибратли гап бежиз айтилмаган. Халқимизнинг XX асрдаги энг муҳим ютуғи мустаққилликка эришиш ва миллий давлатчиликни тиклаш бўлгани маълум. Мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш ва янги Ўзбекистонни барпо этиш имкониятининг воқеликка айланиши эса XXI юзйиллиқдаги энг катта муваффаққият сифатида юртимиз тарихидан муносиб жой эгаллаши шубҳасиз!

Бугун биз янги қиёфани яратишдек камида ўн беш-йигирма йиллик йўлнинг бошланишида, учинчи йилнинг ниҳоясида турибмиз. Бу йўлда бизни яна нималар кутмоқда, қандай тўсиқлар учраши мумкин? Барчамиз шу сермашаққат йўлдан боришга тайёрмизми? O‘zLiDeP таянаётган ғоя ва шиорларни бажариш учун қандай имкониятларимиз бор?..

Аввало, янги Ўзбекистонни барпо этишнинг самарали йўллари ва имкониятларини, бу борадаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда ушбу улуғвор мақсадга етишнинг энг устувор тамойиллари ва муҳим хусусиятларини аниқ-тиниқ билиб олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун янги типдаги, инновацион тафаккур ва креатив фикрлайдиган мутахассислар, кенг кўламли янгиланишларнинг контурларини тўғри аниқлашга ёрдам берадиган тадқиқотлар, илмий изланишлар олиб бориш, эришилган натижалар асосида зарур таклиф ва тавсиялар тайёрлаш давр талабига, Ўзбекистонни янгилаш жараёнининг энг муҳим эҳтиёжларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ушбу йўналишдаги ягона муассасаси, яъни Фалсафа ва ҳуқуқ институти ўз даврида ана шундай масалалар ечимига доир ишларни кенг миқёсда йўлга қўйганида эди, балки фаолиятини тўхтатмаган бўлармиди? Тўғри, бунда XX асрнинг иккинчи ярмида якка партия мафкураси қаршилигига қарамай, Амир Темурнинг шаън-шавкатини тиклаш йўлида ҳаракат қилиб, эрта хазон бўлган атоқли файласуф Иброҳим Мўминов ва ушбу олим номи берилган институтга нисбатан субъектив ёндашув бўлганини баъзи кишилар яхши билишади. Ўша даврда “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган бўлса-да, академик Иброҳим Мўминовнинг номи ўтган ўнйилликнинг юксак маънавият ҳақидаги энг машҳур китобидан исми-шарифлари ҳақли равишда жой олган атоқли шахслар қаторида қайд этилмагани сабаблари ҳам бу кишиларга яхши маълум. Энди-чи, бу борадаги воқеалар жараёни айнан шундай кечгани ва ушбу кемтикликнинг вақтида тўлдирилиши фойдадан холи бўлмаслигини тўғри тушунтирадиган бирор мард мулозим топилармикан? Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг самарали йўллари ва конкрет усуллари, уларни жорий этишнинг умуминсоний тажрибалари, юртимиз тараққиётининг бугунги даврига оид ўзига хосликлар, бу борадаги устувор вазифалар ва уларни амалга ошириш имкониятларини аниқлашга доир таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишга мўлжалланган илмий-тадқиқот тузилмаларига эҳтиёж бор, албатта.

Хитойнинг бугунги кунда ҳаммага таниш ва бутун дунё эътироф этаётган янги қиёфасини, янги Хитойни яратиш ғоясини бош шиорга айлантирган донишманд Дэн Сяопин ана шу мақсадларга хизмат қиладиган ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари ва марказларни ташкил этганини эслаш кифоя. Қирқдан ортиқ бу муассасалар асосан икки, яъни ички ва ташқи функцияни бажаришга ёрдам беришга мўлжалланган эди. Хориждан кўчирилган инқилобий ғоялардан кўра Хитой халқи асрлардан буён қўллаб келаётган тадрижий тараққиёт ва эркин иқтисодиёт тамойиллари асосида янгиланиш моделини яратиш, мамлакатнинг янги қиёфасини шакллантиришга аҳолининг барча қатламлари ва турли даражадаги мулозимларни сафарбар этиш вазифаси ички сиёсатга қаратилган тадқиқотларнинг асосий мақсади бўлди. Жаҳон халқлари тафаккурида бу мамлакат ва халқининг янги қиёфаси ҳақидаги янгича тасаввурни ҳосил қилиш эса ана шундай институт ва марказларнинг ташқи сиёсат йўналишидаги тадқиқотлари самарасини белгилади.

Президентимизнинг Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратиш ҳақида БМТ минбаридан туриб, довюраклик билан берган баёноти барчамизни ана шу улуғвор ғоя атрофида бирлашишга чақирган қалб нидоси эмасми?! Ушбу ғоянинг амалиётига хизмат қиладиган ислоҳотлар ва янгиланишларнинг натижаларига дунё аҳли нигоҳини тикиб турибди. Куни кеча ниҳояланган сайловларга жаҳоннинг турли давлатларидан 800 дан ортиқ кузатувчилар келгани ҳам буни исботлайди.

Кўппартиявийлик шароитида хилма-хил сиёсий кучларнинг бир-биридан фарқ қиладиган ғоя ва шиорлари, уларни амалга оширишнинг турли усул ва воситалари бўлиши ҳам демократик тараққиётнинг ажралмас қонунияти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Айни пайтда, бир партиянинг ғоя ва шиорлари бошқаларидан мутлақ устунликни қўлга киритиши, давлат ва жамият учун энг муҳим ҳужжатларда бу устуворликнинг шак-шубҳасиз даражага етиши, бошқа партияларнинг ғоя ва шиорларига мутлақо ўрин берилмаслиги эса демократик қоидаларнинг бузилишини англатишини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

“Миллий тикланиш” партияси илгаридан мафкуравий арсеналида сақлаб келган “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” шиорини ушбу сайловлар жараёнидаги фаолияти учун асос бўлган сайловолди дастурида бош ғоя сифатида расман эълон қилди. Ушбу партия талқинидаги мазкур шиорнинг маъно-мазмунида миллий биқиқлик, протекционизм ва изолюционизм аломатлари сезилмайди. Аммо дунёдаги баъзи экспертларнинг бу тахлит миллий асосдаги шиорлар айнан ана шундай фикрларга таяниши, уларга нисбатан эҳтиёткорона ёндашув сақланиб қолаётганини ҳам ҳисобга олиш лозим, албатта.

Энг қизиғи, *“сайловлар арафасида муҳокамага қўйилган баъзи концепциялар, айниқса, ўрта таълим тизимига тарбия туркумидаги фанларни жорий этиш ҳақидаги қарор ва унга илова этиладиган концепция лойиҳалари “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди дастури асосида тайёрлангани яққол сезилиб турибди.* Ушбу сиёсий кучнинг ҳукуматдаги ва бошқа идоралардаги вакиллари бу борада партиявий қўллаб-қувватлаш усулларидан фойдаланаётгани аниқ. Аммо улар ўша жойларда O‘zLiDeP вакиллари борлигини эсдан чиқираётганга ўхшайди. Партиямиз ўзга партиянинг ғоя ва шиорлари давлат ҳужжатларида бу қадар устуворликка эга бўлишига жимгина қараб турмаслиги табиий.

Сайловлардан кейин ҳам партияларнинг сиёсий майдондаги кураши тўхтаб қолмайди. Тўғри, бизда ҳозирча бу борадаги анъаналар унчалик чуқур эмас. Яратганга минг қатла шукрки, давлатимизда баъзи мамлакатлар зиёлилари орасида илдиз отган ялтироқ ва сароб ғоялари билан турли-туман ваъдалар берадиган айрим миллатчилик руҳидаги партиялар фаолиятига йўл қўйилмайди. Асосий иш услуби давлатнинг юқори органлари ҳужжатларига ўз ғояларини сездирмасдан сингдириб юборадиган, ўз кадрларини аста-секин ҳукуматнинг турли даражадаги мулозимларига айлантиришга тиришадиган ва пировард натижада ғоя ва шиор ҳам, ҳукумат ҳам бизники, энди ҳокимият ҳам тўлиқ бизники бўлиши керак, дея даъво қиладиган бундай партияларга нисбатан O‘zLiDeP мафкурасининг қандай бўлиши ва нима учун шундай бўлиши зарурлигини барчамиз тўғри англаймиз деб ўйлайман. O‘zLiDePнинг асосий шиори эса бошқаларнинг тор партиявий ғояларидан фарқ қилади ва бутун халқимизнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди ва бош мақсадимиз мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш, деган ифодада ўз моҳиятини тўлатўкис намоён этмоқда.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида мустақилликдан кейин шаклланган ва бу борада ҳам истиқлолнинг меваларидан бири бўлган “Миллий тикланиш” демократик партияси мафкураси, ғоя ва шиорларига салбий мақсадлар аралашмагани шубҳасиз. Ушбу партиянинг сайловолди дастурида бош ғоя сифатида танланган шиорнинг ижобий мазмуни юқори минбарлардан бир неча бор таъкидлангани ҳам бежиз эмас. Миллий тараққиётнинг йўналишини, ҳар кунги ўзгаришлар ва муттасил ҳаракатни ифодалайдиган бу шиор мазкур партия номзодларини кейинги сайловларда ҳам маррага етаклайди, албатта.

Сиёсий жараёнда фаол иштирок этаётган партия учун бир сайловнинг тугаши иккинчисининг бошланишини англатади. Бугунги сайловлар ўтди, аммо кейинги сайловлар ҳам унчалик узоқ эмас. Унда “Миллий тикланиш” номзоди ҳозирги ҳукумат тасдиқлашни мўлжаллаётган ҳужжатларда устувор бўлган ва ўз партияси позицияси яққол кўриниб турган ғоя ва шиорларни кўтариб майдонга чиқиши шубҳасиз. Бугун Бош вазир номзодини кўрсатиш масаласида ўзига хос “ўйин” қилаётган “Миллий тикланиш” навбатдаги сайловларда яна қандай ўйинлар кўрсатиши ёлғиз Худога аён.

Аслида, бундай хатти-ҳаракатлар учун бирор партияни айблаш партология фани ва методологияси нуқтаи назаридан тўғри эмас. Чунки ҳар қандай партия ҳокимиятга интилади ва ўзининг ғоя ва шиорлари ортидан бутун жамиятни эргаштиришга ҳаракат қилади. Бу кўппартиявийлик шароитида ғалаба қозонишнинг энг мақбул йўли ва партиялараро курашнинг устувор принципларини белгилайди. Партия фаолиятининг асл мақсад-муддаоси ҳам, мазмун-моҳияти ҳам ана шунда эмасми?!

Хўш, бир партиянинг позицияси халқ тафаккури ва давлат ҳужжатларида устуворликка эришиши эҳтимоли бўлган шароитда бошқа партиялар қандай иш кўради? Ўз номзодлари мағлубиятга учрамаслиги ва бундай шароитнинг юзага келмаслиги учун олдиндан тараддудини кўрмайдими? Бу ҳам кўппартиявийлик посангиси мувозанат сақлаши учун зарур демократик тамойилдир. Хуллас, ўз ғоя ва шиорларининг давлат сиёсати ва жамият ҳаётида устуворлигини таъминлашга уринаётган партияни айблаш қандай методологик хато бўлса, бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилаётган бошқа партияларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам тўғри тушунмоқ жоиз.

Юқорида қайд этилган концепция лойиҳаларига нисбатан таъкидлаш лозимки, аслида давлатимиз раҳбарининг ғоя ва қарашлари, қарор ва фармонлари, маъруза ва нутқларида ушбу концепциянинг асослари яратилган, унинг тушунча ва тамойиллари, умумий қонуният ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган. Бу борадаги асосий вазифа эса юртбошимизнинг турли муносабат билан баён қилинган шу соҳадаги фикр-мулоҳазалари, хулоса ва кўрсатмаларини яхлит бир тизимга келтириш, ягона концепция тузишдан иборат бўлиши лозим эди. Лойиҳани бирор партиянинг сайловолди дастури асосида ёзиш эмас, балки методологик характерга эга асосий манбаларга таяниб концептуал структурани шакллантириш, асл муаллифнинг ғоя ва фикрлари билан бойитиш зарур эди. Пировард натижада мамлакатимизнинг миллий ғояни ривожлантириш (реидеология) босқичига ўтиши ҳам бутун дунёда ижобий резонанс уйғотиши, жаҳон ҳамжамиятида янги Ўзбекистон, юртимизнинг янги қиёфаси яратилаётганига ишонч туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Шундай экан, ушбу муносабатимизни ўқиётган ва бу ҳақдаги мулоҳазаларимизни турлича талқин қилаётган баъзи мулозим ва мутахассислар, айрим таҳлилчи ва экспертлар бизни тўғри тушунади, деб умид қиламиз.

Қиём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига

Бир жасур бўлуб танилубмизки, бизни кечирсунлар!

Абдулла Қодирий ҳаётлигида икки-уч бор дор тагидан омон қайтган. Таассуфки, чўрткесар адиб ўлимидан кейин ҳам қатағонларга дучор бўлди. Яқин ўтмишимизда ана шундай қора рўйхатлардан яна бир карра омон чиқди.

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида фармойиш қабул қилинди, бу борада бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Илмий анжуману адабий кечалар ўтказиляпти. Ёзувчи ҳаётидан ва асарлари асосида фильмлар ишланаётир. Олмазор туманидаги истироҳат боғида адиб ижодига бағишланган мажмуа барпо этилди. Адабий музей, кутубхона билан бирга Абдулла Қодирий ижод мактаби биноси қурилди.

Яна шуниси борки, атоқли ёзувчилар ўз шаъни-шарафига қўйилган монументлар билан тирик бўлолмайди. Қачонки, асарлари такрор-такрор ўқилса, таъсирланилса, ана шундагина улар қаламга олган ҳақиқат яшайверади. Демак, ўзлари ҳам барҳаёт бўлади. Мамлакатимизда Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда адибнинг тиш-тирноқли, ўткир тиғли публицистикасига ҳам назар ташлаб қўйсак, зарар қилмас деб ўйлаймиз.

ЖАСОРАТ АЙБ ЭМАС

Биз жасорат сўрар эдик, лекин бериш қаерда?! Жасоратимизнинг қолган-қутқанини ҳам олмоқ муддаосида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни тек-тугидан кесмоқчи эдилар. Жасорат биткан эди, тил кесилган эди... Юрагимиздаги бироз умидни истисно қилганда, бошқа нарсалар юлиниб-юлқинган эди...

...Биз миллат ва миллатчилик дарёсида сузгучи бир жасур бўлуб танилубмизки, бизни кечирсунлар!

...Ёш ёзғучиларимизни илмсизлик, ишсизлик билан айблаб таъна тошлари отасиз. Лекин бундай таъналар бизнинг каби ишка янги бошлаган бир миллат учун ўринсиздир. Биз мутараққий миллатларнинг тараққий тарихларини текширсак, кўрамизки, бошда улар ҳам матбуот ишлари билан юргучилар сизнинг таънангизга маҳкум ёшлар бўлгандирлар. Бир жиҳатдан сизнинг таънангиз эндигина матбуотга яқинлашиб келмакда бўлган ёш талантларни маъюсиятга туширмакдан бошқага фойдаси тегмас.

Таънангизга маҳкум ёшлар янги адабиётимиз учун тақдирга лойиқ нарсалар бердиларки, майдондадир. Лекин даъвоси тоғ-тошдан ҳам улуғ бўлган зотлардан ҳали адабиётимиз арзуғулуқ бир нарса ҳам кўрмади...

...Танқид сўзига берилган маъно, бизнингча, дуруст эмас. Танқиднинг маънойи луғавийси саралаш, арайишини олмоқ деган сўздир. Наинки ер билан яксон этмак! Бу кунгача биз танқид қилмоқ билан асарликдан чиққан ва ер билан яксон бўлган бир нарсани ҳам кўрмадик, балки мукаммаллашканларинигина кўрдик...

Жулқунбой

"Қизил байроқ", 1922 йил 1 июл, 191-сон, 2-3-бетлар.

ДАВОСИЗ ДАРДЛАР


Ҳангама дард кўб – давоси йўқ, ҳасрат узоқ – кечалар қисқа, манзаралар ажиб – кўзлар кўр, жарт-журт зўр – натижалар кичик, манзил узоқ – роҳила оз, ваҳима катта – тўй бедарак, осмон узоқ – ер қаттиқ, бўйи бир қарич – соқоли икки қарич...

Сиз ўқуй берсангиз, ман шунақангги бир-бирисига тескари жумлаларни Маллахоннинг давангидек[1] қатор-қатор, сулайтириб-сулайтириб ташлайберсам. "Мифтохул-жинон"нинг ривоятига қараганда, агар дарёлар сиёҳ бўлиб, харилар қалам бўлса, япроқлар қоғозга айланиб, қурбақалар ўқуғучи бўлсалар, бу аживаи-таралаларни чоп қилиб тарқатғучи Давлат нашриётининг Эски шаҳар матбааси бўлса, бунинг савоби бутун Туркистон мамлакатининг думоғига худди сассиқ саримсоқдек таъсир бериб, ҳар қайси ўзбекларнинг номаи аъмолларига[2] ҳар йили тўрт фаслда хурракни батанг куйган мўмин ва мусулмоннинг аъмоли солиҳаси[3] ёзилур экан.

Энди бир озгинага фалсафа, эътиқодиётни қўятурайлик-да, "дарди бедаво"ларимиз устига ўтайлик.

Туркистон истатистика идорасининг тўплаган сўнгғи маълумотига кўра, Эски шаҳардаги "Ҳаракатдан баракат" мактабларининг сони шу кейинги ҳафта ичида юзга-юз ортиб кеткан. Масалан: ўткан ойда етти юз қирқ бир оғилхонадан иборат бўлган халқ ибтидоий дорул-жунунлари[4] ярим мингга, қорихоналар беш юздан тўққуз юзга етмишдир (қорихоналарда бироз секинлик). Бу сўнгғи очилган ибтидоий дорул-жунун ва қорихоналарнинг муаллимларида ҳам фавқулоддалик бор, дейдирлар: соқоли от тўрбадак, саводи чиқар-чиқмас фариштасуфат зотлардан иборат бўлиб, ёш болаларимизни бир йил комил деганда муллаи боамал, бунинг устига даққи, калвак, оғзинг қани десалар, қулоғини кўрсататурган "дарди бедаво" қилиб чиқарар эканлар.

Бу ҳақда сиёсий доираларнинг юруткан мулоҳазаларига қарағанда, ўзбеклар ишни бу тариқа олиб бора берсалар, уч йил комил деганда, Туркистон гўёки иккинчи Амрико-ку, ўзбеклар орасида гарчча маданият, на у ёққа ўта оласан, на бу ёққа; худди девори қиёмат! Яна ўшал истатистика идорасининг берган маълумотига қарағанда, иккинчи томонда



қилтиллаб турган Эски шаҳарнинг маъориф шўрваси[5] бу маданият мактаблари қаршисида қаддини кўтаришга ўйлашар экан. Аммо шуниси бор эканки, ановларда йўқ шағшаға, ановларда йўқ дабдаба бизнинг маъорифнинг шўрвасидан топилур экан!.. Бул ҳам бир дарди бедаво!..

***

Бизникилар "Бўрк ол!" деса, бош олишға ҳозир, бир маблағлар десанг, эҳтимолки, нишка тушкан бўлурмиз[6]. От билан эшакка солиқ солинибдур, хайр, солинса солинибдур; бу орада бир эшакчи камбағалнинг эшаги очликда ҳаром қотибдур; хайр, қотса қотибдур.

– Ўлган эшагингнинг солиғини бераверасан!

– Бечора эшагим марҳум бўлди, ака, бу ерда жони узилиб, мана бу ерда ювулди, ана у ерда жаноза ўқилиб, мана бу ерга кўмилди, ака...

– Йўқ, бера берасан! Эшагинг бешдан кам эмас!

Бечоранинг эшаги ўлгани-ўлган, устига-устак мана бу "бош олғучилар"нинг фотиҳахонлиги қизиқ... Бул ҳам бедаво дардларнинг бириси[7].

***

Эски шаҳарнинг бошдан оёқи, оёқдан боши, етти яширадан етмиш яшари қўтур... Эски шаҳарнинг афкори умумияси[8] шу қўтур масаласи билан машғул (бизда афкори умумия йўқ дегувчилар номаъқул айтибдирлар).

Бечора халқ шу қўтур истибдодидан қутулмоқ учун ўткан-кеткандан илож[9] сўрашдан бўшай олмайдур. Аммо берилган дору-дармонлардан тўққуз чақалик фойда йўқ; ҳамон ҳар кимни кўрсанг: қирт-қирт, қирт-қирт... Пуввак боғлаган Ёврупо дўқтурлари ниҳоят келиб-келиб бизнинг "қўтур масаламиз" устида эълони ихдос[10] қилдилар. "Халқ соғлиқни сақлаш бўлими" бу тўғрида қимир этмайдир. Кейинги кунларда қўтурларнинг ҳаммаси "Халқ соғлиғини сақлаш бўлими эмиш" деган бир резалютсия қабул этди.

Мана бул ҳам бизнинг давосиз дардлардан...

Жулқунбой

"Туркистон", 1922 йил 14 декабр, 36-сон.

ҲУҚУҚ
Кичкина фелетўн

Хотун-қизларимизга бағишлаб

Азбаройи Худо, айтингиз-чи, ҳуқуқ деган нарса ўзи нима?

Ҳуқуқ нимадан иборат? Гуваламики, уни биз майдалаб ҳожатимизга яратайлик?! Нима ахир? Бунинг жавобини "ҳуқуқ" деган дарди бедавони бўйнига осиб олғанлардан сўрайлик.

Шўролар ҳукумати ҳар бир чоти айри, боши юмалоққа, ҳар бир ҳайвони нотиқу ва ғайри нотиққа ва ҳар бир инсу жину деву парига томтом боло-боло бом[11] ҳуқуқ берди, деб гапуришадирлар! Бу тўғрими, баковул.

– Ясовуллар, қозию қуззотлар бу гапка, бу ишларга тушунадирларми?

Гап бундай: ўзингизнинг Халча опангиз аллақаердан ҳуқуқ текширадирған бўлуб, эрга берилаётқан бир қизнинг уйига борибдир. Хайр, яхши – текширсин.

Нега энди 13 ёшлиқ Ойнисани оёқидан, қулоғидан чўзиб, елмай, югурмай 18 ёшатуб қўядир?

Тағин бир иш: масалан, ўзингизнинг Зайнаб опангиз: эридан, қўйинг-чи, уйидаги ҳар бир ясси-япасқи, қинғир-қийшиқ, ажива-тараладан ейдур калтакни; шилқ-шилқ; ўзи оч, боласи оч; нон деганда ғириллайдир кесак... Бечора опангиз ундан-бундан сўраб-сўроғлаб борадир катта вивескалик бир ҳуқуқ олиб беродурғанга. Йиғлайдир, сиқтайдир, арзи бандалик қиладир; аммо қўл қуруқ, ёлғиз бош!

Чақириладир эри, ёнида уч-тўртта гумашта, илтимосчи, азайимхон, тутатқи, иҳи-пихи, гап бийрон, ғарч-ғурч, ўлли-булли, ўлумдан хабаримиз бор, бундан йўқ!

Мурофаа[12]: икки коски[13], яна бир гуржи. Қанақа гуржи дейсиз? Ҳа, тушунадурған мухторият, фалон писмадону гўёки бу мажлиска ўзи шундай қиртиш[14] қидирибгина келган, тавба!

– Зайнаб опа, оғзинг қайси?

Бечора қулоғини кўрсатади.

– Ҳуқуқ!

Ёнида жаллод ва бошқа қасамхўрлар; ғўдайиш, пичинг! Бечора дир-дир қалтираған, қози махсимнинг ҳам гаплари айлантирмалик:

– Ким яхши?

– Эрим, почча!

– Ким ёмон?

– Ҳуқуқ, почча!

Ҳуқуқ – гап билмаган, иш билмаган Зайнаб опаларники эмас, шайтон устози бўлған Ҳожи Абдиларники, шайтон мардикори бўлған Салоҳиддин муфаттинзодаларники[15]! Шоир Хоконий дегандек: ҳолати манҳусада[16] қолған "ул" эмас, тўртта наҳснинг орасида боши айланган ану бечора!

Гап кўп, кўмир оз; кези келди, бир ёздиқ!

Ҳақиқат эълони: Жулқунбой

"Туркистон", 1923 йил 24 декабр, 213-сон.

САЛОМНОМА

– Отқа қоқан тақадек, сувдан чиққан бақадек, бир мирилик чақадек – маъориф шўросига сало-о-ом!

– Ўзи четка буқинуб, шахсиятка тўқинуб, аллакимга чўқинуб – ўғри ушлаганга сало-о-ом!

– Кўрунган ер оқ салла, оқ бўлса ҳам бўш калла, оқу қора ҳам малла –Туркистон уламоларига сало-о-ом!

– Бошларига соч қўйган, отларини ёш қўйган, фаҳш[17] деганни фош қилған, яна отини ёш[18] қўйган – думсизларимизга[19] сало-о-ом!

– Масков бориб келибон, минглаб фойда қилибон, ҳафтада гап ейибон, томга карнай қўйибон; халқ қайғусин емайин, мактаб очай демайин; эллик-олтмиш қўй берган, саккиз кунлаб тўй берган – Туркистон савдогарларига сало-о-ом!

Амма-холаси ҳаводор, айланай!

Келин янгаси: Думбулниса

"Муштум", 1923 йил 2-сон, 3-бет.

НИМА ҚАЁҚҚА КЕТАДИР?

Ишчининг топқани хўжайиннинг халтасиға кетади.

Совдагарнинг топқани ўғул тўйисига кетади.

Тошканд кўнчиларининг топқани қишлиқ тўкма билан ёзлиқ гапка кетади.

Қиморбознинг топқани гарткам[20] билан тўртта ошиққа кетади.

Беданабознинг топқани тариққ кетади.

Муриднинг топқани эшонга кетади.

Эшоннинг топқани саккизта хотунга кетади.

Хотунларнинг топқанлари иссиқ-совуқчи домлага кетади.

Бойбаччанинг топқани "Турквино"[21] билан баришнахонларга кетади.

Ёшларнинг топқанлари упа-элик билан усма-сурмаларга кетади.

Эски шаҳар исполкўмининг топқани ҳар хил юқори шефстволарга кетади.

Баладия бўлимининг топқани хизматчиларнинг маошига кетади.

Вақф шўъбасининг[22] топқани идорасини бежаш учун қип-қизил гиламларга кетади.

Отнинг топқани эшакка кетади.

Бўрининг топқани тулкига кетади.

"Муштум"нинг топқани туркистонликларнинг тумшуғига кетади.

Ушбуларни ўқуған кишининг дами – дамбалига[23] кетади!

Бизнинг топқанимиз аччиқ-тизиққа кетади! – деб ***Мулла Жулқунбой*** *ёздилар. "Муштум": ёзганларингизнинг ҳаммаси ҳаммаси ҳавога кетадур! – деб биз ҳам мухримизни босдиқ.*

"Муштум", 1923 йил 15 март, 3-сон, 3-бет.

БИЗ КИМ ВА НИМАЛАРДАН ҚЎРҚАМИЗ?

Ҳар кимнинг ўзига яраша қўрқатурған нарсаси бўладир. "Иштонсизнинг чўпдан ҳадуги бор", дегандек, шу вақтда иштонлик инсон – ҳадуксиз одам, эҳтимол, йўқдир. Туркистон истатистика идорасининг кейинги йиқған ҳисобига қарағанда, иштонсизлар банаъжи[24] кўпайибдирларки, биз уларни айнан қуйида кўчирамиз:

Мустамлакачи – аччиғланган чоғида сирининг очилишидан қўрқадир.

Ҳар турлук идора мудирлари – сайлов яқинлашса, мансабдан тушиб қолишдан қўрқадирлар.

Янги кўз очқан ҳисобсиз ўзбек шоирча ва шоирачалари – минг машаққат билан азобланиб ёзған шеърларининг газеталарда босилмай қолишидан қўрқадирлар.

Тутантируқсиз мақола ёзишға ўрганган муҳаррирлар – тўсундан тегиб қолатурған танқид калтагидан қўрқадирлар.

Бой ва совдагарлар – айниқса, буларнинг қўрқинчлари поёнсиздир...

Чунончи: дўкон совдаси яқинлашса, ижарани ошириб юборатурган яканчилардан[25] қўрқадирлар, қўлларига кўпроқ пул йиғилиб қолса, моллар ошиб, пул қурсининг тушиб кетишидан қўрқадирлар, қўлида анчайин қоғоз кўтарган кишини кўрсалар "торговой налўг" тушмоғидан қўрқадирлар, рўза ойи кириб закот бериш[26] эска тушса, моллар ҳисобини олишдан қўрқадирлар... Ҳар ҳолда, бу дуркум халқ учун ер ҳам қўрқунч, кўк ҳам қўрқунч. Фақат қоро ернинг остиғина тинчдир!

Камбағал деҳқон ва ишчилар – кун сайин бозор баҳосининг бирга бир кўтарилишидан қўрқадирлар[27].

Ҳукумат идораларидаги порахўрлар – порахўрлиқ билан кураш бошланғандан бери ўзларининг сояларидан ҳам қўрқадирлар.

Кўқдаги булутлар – ёғмай деса Худонинг буйруғидан, ёғай деса ердаги махлуқларнинг чиртинг-пиртингидан қўрқадир.

Ўзбек хотунлари – эрларининг калтагидан, қизлари кўчага чиқай деса, оналарининг туртугидан қўрқуб, песлар моховдан, моховлар песдан, аживалар тараладан, тараладар аживадан; қисқаси, катта-кичик, ясси-япасқи, қинғир-қийшиқ, узун-қисқа ҳаммалари ҳам қўрқоқдирлар...

Ман нима ва кимдан қўрқаман?

Айниқса, маним ишим жуда ҳам қийин: ёзай десам, ошна-оғайнининг шўртумшуқлиғидан, ёзмай десам, "Муштум" поччанинг жекиригидан қўрқаман.

Яна бундан бошқа қўрқатурган икир-чикирларим:

– Эски шаҳар кўчаларидан юрсам, бетимга лой сачрашидан қўрқаман.

– Ёғмур ёққан кунларида Эски шаҳар расталарининг ағнаб кетишидан, совдагарларнинг тўнғуз қўпишидан қўрқаман.

Билим юртлари ёнидан, бошланғич мактаблар қаршисидан ўтуб қолсам, истиқболдаги алвир-шалвир ўзбек маданиятидан қўрқаман! Ҳар ҳолда, маним ҳам қўркунчларим ўзимга етарлик...

Ассалому ала маниттабаъл-худа[28].

Жулқунбой

"Муштум", 1923 йил 1 май, 7-сон, 6-бет.

Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

---

[1] Маллахоннинг давангидек – Туркистон хонларидан ўтган Маллахон ҳайвон, парранда боқишга, ит, кўчқор уриштиришга ишқибоз бўлган экан. Муаллиф шунга киноя қиляпти.

[2] Номаи аъмол – қилинган ишлар баёни.

[3] Аъмоли солиҳа – яхши ишлар.

[4] Дорул-жунун – жиннихоналар; бу ерда муаллиф эски усулдаги мактабларни танқид қиляпти.

[5] Маъориф шўрваси – "Маъориф шўъбаси" демоқчи.

[6] Ниш – мўлжал; сира, моҳият.

[7] Бу ерда муаллиф марказ солиқларни бир сари солган бўлса ҳам, маҳаллий солиқчилар йиғимларни ҳаддан ташқари кўпайтириб юборганини танқид қиляпти.

[8] Афкори умумия – жамоат фикри.

[9] Илож – дори-дармон.

[10] Эълони ихдос – янгилик эълон қилмоқ.

[11] Том-том боло-боло бом – жуда катта, кенг.

[12] Мурофаа – суд мажлиси.

[13] Коски – ярамас, бузғунчи.

[14] Қиртиш – қушхонада туёқ сўйилганда жийлашдан олдин терисига туз сепиб, ички томонидаги пай-шалхакларини киртишлаб олиб ташланади. Бу киртишларга доим дайди итлар мазахўрак бўлишади. Бу ҳолатни мажозан доим бировникида қорнини тўйдириб юрган одамга нисбатан ҳам айтилади: "Ҳа, у киртиш еб катта бўлган", дейишади.

[15] Муфаттин – фитначи, иғвогар.

[16] Манҳуса – ювинмаган, нахс.

[17] Фаҳш – қинғир, нотўғри.

[18] Ёш – комсомоллар.

[19] Думсиз – калта кийинган.

[20] Гардкам – ўртага тикилган нарсанинг ҳаммасига ўйналганда айтиладиган сўз.

[21] "Туркквино" – ўша пайтда "Турквино" номли Туркистон давлат трести бошқармаси турли хил вино ичимликлари чиқарган.

[22] Вақф шўъбаси – вақф ерлар инқилобдан сўнг маъориф ихтиёрига берилиб, даромади мактаб ва маъориф эҳтиёжларига сарфланган.

[23] Дамбал – иштон.

[24] Банаъжи – бачабир (форсча), бир неча.

[25] Яканчи – инспектор; порахўр.

[26] Закот – шариъат ҳукми бўйича пулдор, молдор мусулмоннинг ўз моли ва пулининг қирқдан бир улуши миқдорида рўза вақтида бева-бечораларга, камбағалларга берадиган хайр-садақаси.

[27] Ўша йиллари мамлакатда пул қадрсизланиб, нарх-наво кўтарилиб кетган эди, муаллиф шунга киноя қиляпти.

[28] Тўғри йўлга эргашганларга салом бўлсин (ҳадисдан).

Биринчи муаллимга мактуб

Ватан ва она танланмаганидек, биринчи ўқитувчи ҳам танланмас экан. Яъни, сенинг биринчи ўқитувчинг сенга Яратган томонидан бериладиган улуғ дарё кабидир. У қандай бўлса шундай қабул қиласан. Зеро, ўқитувчи ҳам сени қандай бўлсанг, шундай қабул қилгандир.

Азиз муаллим! Биз, 26 мурғаккина юрак сизнинг қўлингизга келиб тушганимизда ёзиш-чизиш тугул, қалам тутишни-да билмас эдик. Ҳали 30-45 дақиқа партада ўтириш кўникмасига эга бўлмаган жажуқлардан Сиз етук инсонлар тайёрлашни ўз зиммангизга олдингиз.

Сиз ҳар биримизни бир кўзда кўрдингиз.

Сизнинг меҳрингиз биз учун нажот қалъасига айланди.

Сиз бизнинг гўдак тасаввуримизда одамийликнинг олий гултожи бўлиб намоён бўлдингиз.

Сиз ҳар биримизда гўзал фазилатларга эга инсонни кўра билдингиз. Биз учун жон олдингиз, жон бердингиз.

Бизлар ҳам сизга йигирма олти қатлам ипак толаси билан боғландик. Сиз орзу қилган одам бўлишга, сизга муносиб бўлишга интилдик.

Дастлаб "Абдулла Шерназаровнинг синфи", "Шерназаровчилар" дея бизни бутун мактаб эркалатарди, сўнгра худди шу ном ила биз билан фахрланиша бошлашди.

Синфимизнинг 90 фоизи аълочилар, қолгани эса яхши ўзлаштирувчилар эди.

Сизнинг ўрнатган тартиб-қоидангиз биз учун ўзига хос қонун эди. Ота-оналаримиз сизни жон-жигаридек суйишарди. Билмаган ҳолда 26 оиланинг ҳақиқий аъзоси эдингиз, устоз! Эсимда, ота-оналар йиғилиши бўлади, дейишса, ҳамма чопиб келарди. Негаки, улар учун фарзандлари ҳақида яхши гап эшитиш байрам эди гўё.

Бу кейинчалик бутун мактабимизда анъанага айланди. Шу боис бўлса керак-да, ўша маҳалларда, бизнинг 9-ўрта мактабда бирорта ҳам нохуш ҳолат бўлганини эслай олмайман.

Мактабимиз жамоаси Жабборовлар сулоласида барча болалар математиклар эканини, Мўминовлар адабиётчилар, Худоёровлар тарихчилар, Эшниёзовлар физиклар эканию, жисмоний тарбиядан Қаюмовлар, чет тилларидан Омоновлар фан олипиадаларида туман, вилоят босқичларида ғолиб бўлиб келишини билишар эди.

Муҳтарам муаллим! Сиз бизни ҳамма фанларга қизиқтира билдингиз. Биргина мен гоҳ адабиётдан, гоҳ географиядан, гоҳ тарихдан фан олимпиадалари вилоят босқичи ғолиби бўлганимни, Самарқанд шаҳрига бориб мукофотлар олиб келганимни яхши эслайман. Гарчи бу ютуқларга юқори синфга ўтганимдан кейин эришган бўлсам-да, сиз мен учун қанчалар қувонганингизни кўриб бошим осмонга етарди.

Болалигим пахта яккаҳокимлиги даврига тўғри келди. Ўзбекистон қизил империянинг пахта етиштириб берувчиси эди. Ленин номи билан аталувчи колхозимиз идорасининг пештоқида ёки томи лойшувоқ қилинган дала шийпонимизнинг ёғочига осиқлик турган қизил байроқ бу ерда энг илғор пахтакорлар ишлашидан далолат берарди. Бу белги пахтани инсон ҳаётидан устун эканини англатар эди гўё.

Одамлар пахтага қуйиладиган заҳарли сувлардан ичар, деярли ҳар бир уйда сариқ касаллиги туфайли жигари шишиб кетган болалар, турли-туман юқумли хасталиклар билан оғриган қамқон оналар, нимжон оталар, ҳали олтмишга кирмасданоқ кексаликнинг дармонсизлиги суяк-суякларидан ўтиб кетган дала меҳнаткашлари диёри эди менинг ЎЗБЕКИСТОНИМ.

Тиббий кўриклар ўтказилмас, ўзбек онасининг ва боласининг саломатлиги ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Ўзбекнинг қишлоқлари пойтахт Москвадан шу қадар узоқда эдики, "Тез тиббий" ёрдам машиналари етиб келмас, аёллар уйларида, туғруқхонага етолмай бузилиб қолган аравараларда, пахтазор уватларида, маккажўхори далаларида кўз ёриб, қон кетиш, қон босими тушиб кетиш ёки ошиб кетиш туфайли ҳаётдан кўз юмар эди. Оддий кўричак ёрилиши туфайли қанча одам ҳаёт билан видолашарди. Биргина бизнинг синфимизда менинг, Холбувининг, Отамуроднинг, Саиднинг, Шафоатнинг оналаримиз бирин-кетин туғруқ чоғи ёки бошқа хасталик туфайли дунёдан ўтиб кетишди. Бу мусибатлар бизнинг мурғак юрагимизда оғир жароҳатлар қолдирди. Бутун синф бизнинг ярим кўнглимизга қарар, бу меҳридарёликни сиз қалбларга солган эдингиз.

Ўша кунларни хотирлаб ёзган шеърларимнинг бири:

Онам эрта вафот этдилар,
Синиб тушди қалбимдан боғлар.
Ярим кўнглим тўлмади, гарчи
Елкасида кўтарди тоғлар.
Эгик қаддин тиклай олмади,
Узумзорим – бобожонгинам.
Яшин урғач кўкламай кетди,
Оқ тутгинам – моможонгинам.
Қўй боққани чиқсам далага,
Қамишзорлар най чалиб берди.
Кўклам худди Ҳамдам тоғамдек
Қоялардан гул олиб берди.
Ҳар жумада бозор хуржунда
Кунжут ҳолва жўнатди Қўрғон.
Холам каби кумуш сувларда
Сочларимни ювди Зарафшон.
Косасида шарбат ичирди,
Тарвуз кийиб беқасам тўнлар.
Ёзда ҳам жун рўмолин ечмас,
Шафтолилар – дўмбоқ келинлар.
Саратонда сувдан чиқмасдик,
Бизга нима дунёвий ишлар?
Чўмиларди қўйлагин ечмай,
Оқ каптарлар – уялчанг қушлар.
Нарпайимнинг майин шамоли
Артар эди кўздан ёшларим.
Ўн йил мени аяди бир тўп
Мусичалар – синфдошларим.



Қадрли устоз, англаганим, сиз бизнинг юрагимизга одамгарчилик деган бебаҳо уруғни экканэкансиз.

Биринчи синфдаёқ азадор оиланинг ҳовлиси ёнидан қўшиқ айтиб ўтмаслик кераклигини тушунтирдингиз.

Бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликни, ўзганинг дилига озор бермасликни ўргатдингиз.

Ожиз ва ногирон кишиларга ғамхўр бўлишни талаб қилдингиз. Уларга бирор нарса берадиган бўлсак, кўз-кўз қилмасликни уқтирдингиз.

Биз эса сизнинг бундай ўлмас ўгитларингизга амал қилолдикми, у ёғини Худойим билади.

Биз ҳамон ўқувчи, Сиз эса устозсиз. Ҳаёт сабоқларини ўрганишда давом этаётирмиз.

Ватан ва онажоним олдидаги қарзларимни узиб бўлмаслигини билганим каби сизнинг меҳрингиз олдида ҳам бир умр қарздорман. Бор меҳрим, чексиз муҳаббатим Сизга бўлсин!

Эҳтиром билан
Зулфия МЎМИНОВА

Холам ва алам

Байрам арафасида таниш-билиш, дўсту ёрларни қутлаб, хурсанд қилиш истаги жўш уради кўнгилда. Кимгадир совға-салом берсанг-у, унинг чеҳрасида ёришганини кўриб, ўзинг ҳам шодлансанг. Ёки табрик баҳонасида арзимас сабаблар боис ўртадаги гина-аразларга чек қўйсанг ва елкангни тошдек босиб турган юкдан фориғ бўлиб, қушдай енгил бўлсанг.

Ана шундай ният мени узоқ қариндошларимдан бирини кўришга ундади. Қариндошим, у кишини хола дердик, қовоқ сомсани жуда хуш кўрарди. "Еб тўймайман", дея ҳидлаб-ҳидлаб ерди доим. Кейин қўшиб қўярди: "Раҳматли онам азизларди қовоққинани. Отам бизни ташлаб кетганида ҳеч қаерда ишламайдиган бечора онам қаҳратон қишдан бизни шу неъмат билан эсон-омон олиб чиққан, нонимиз ҳам ошимиз ҳам, шу бўлган экан-да".

Роса суюнсинлар, деб сомса пиширдим-да, тугун қилиб холамникига йўл тортдим.

Йўлда кетяпман-у, у кишининг узоқдан меҳр билан кўришиши кўз олдимда гавдаланади. Ҳалитдан хурсандчилигим ичимга сиғмай туриб ўйлайман: "Ҳозир холам эшикни очади ва мени кўриб бир қувонадики, жамбил шодаси ҳамиша осиғлиқ кўксига тортиб маҳкам босиб туради-да, сўнг бошимни икки кафти орасига олиб, пешонамдан ўпади ва: "Мени йўқлаган кўзларингдан, қидирган оёқларингдан ўт чақнасин", дея дуо қилади.

Бирам ёқимли-да шу ҳолат. Кейин турли-туман матолардан қуроқ тикиб, хонтахта устига ёпган дастурхон атрофига ўтиргизиб, орқамга юмшоқ болиш қўяди. Оиламизнинг ҳар бир аъзосини бирма-бир сўраб, обдон ҳол-аҳволлашгач, секин ўрнидан қўзғалиб, нариги хонага йўналади. Ана шунда тугунимни очади-ю, кўзлари чарақлаб кетади! Ахир унда севимли таомлари бор-да. Лаган-пагани билан кўтариб чиқиб, дастурхонга қўяди ва яна мени қучоқлайди... жамбил ҳиди, пешонамни сиқиши... қайтадан такрорланади.

Болалардай яйраб, қовоқ сомсани қадоқ қўлларига олиб тўйиб-тўйиб ҳидлайди ва: "Раҳматли онам ҳам роса яхши кўрарди бу неъматни. Отам бизни ташлаб кетганида..."

Шодмонлигимни яширолмай, табассум билан эшик қўнғироғини босдим. Мана ҳозир холам ял-ял ёниб, сариштa уйининг эшигини очади ва...

Жавоб бўлмади, яна узоқроқ босдим қўнғироқ тугмасини. Хайрият, эшик тиқирлади ва секин очилди.

– Ассалому алайкум! – тантаналi салом бердим. – Холажон, мен келдим!

– ... – эшикни очиқ қолдириб ичкарига йўналди холам.

У кишининг ўзига ҳам, байрам кайфиятига ҳам мос бўлмаган сукунатидан жуда ноқулай аҳволда қолдим. Шундай бўлса-да, ичкарига йўналдим. Хонада ҳар доим димоғимни қитиқлайдиган аллақандай ширин ислар ўрнини дорию тиббиёт спиртининг ҳиди тутиб кетган эди. Тўрдаги симкаравотда рангпаргина қиз (уни кейин танидим) бемажол ётарди. "Қизим жигар циррозига чалинибди, дўхтирлар касалхонадан рухсат бериб юборишди" – дард ёради муштипар



онанинг рўмолининг учини тишлаб. "Чимилдиқ кўрмаган болам-а, сен бедаво дардга чалингунча, мен тортсам бўлмасмиди шунинг азобини? Кўнгил қўйганидан совчи келувди, баҳорда узатмоқчи эдик..."

Томоғимга бир нима тиқилди, аввал бўғзимни, сўнг бутун вужудимни куйдирди. "Янги йилингиз билан!" дейишга тилим бормай қолди биринчи марта...

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА



Тешик челак

Исмимнинг туб маъноси Қуёш ўғли мазмунини беради. Айтсам, худди Гўрўғли Қуёш ўғли эканига шубҳа билан қарагандек, эшитган ажабланади. Одам кўникмаларга тутқун. Кўникмани йўқотиш қийин. Тушунча кўникмасини янги тушунчагина унуттиради. Одамзод бу усулни аввалдан пухта эгаллаган. Шу сабаб динлар янгиланса-да, ибодат манзили ўзгармай келаверган. Эскисини бузиб, пойдеворига янгисини қуришган, эринишса, таъмирлаб ўзларига мослашган. Авлодлар алмашгани сари азалдан келаётганидек кўникма янги шаклда такрорланаверган. Кўникмада тушунча қотиб қолади. У ҳукмдек кучга эга бўлади. Кишига эртакеч бир сўзни қайтариб, уқтиринг. У шу сўзнинг қулига айланади.

Қанча кўп "Огоҳ бўлинг", десангиз, одамлар йўқ душман, хавфидан саросимага тушиб, узлуксиз шубҳа, қўрқув исканжасида қалтирайди. Бошқа нарсаларни ўйлашга вақт ҳам топа олмайди, худди қул хўжасининг жазосидан қўрққандек. У фақат қўрқув, шубҳалар занжирининг шалдирашини эшитади. Бу занжирни ўзи судраб келаётгани хаёлининг кўчасига ҳам кирмайди. Худди соясини унутиб, унга сажда қилаётган кимсага ўхшайди.

Кўникмалар ҳайратни ўлдиради. "Ахлатга қараманг қалбингиз ўлади". Кўникмалар жувозга қўшилган отдек, кишини бир ўққа ипсиз боғлаб айлантиради. Энг улкан кўникма – нафс кўниқмаси. Модий ўлчамда қирқ кишининг бир майизга тўйиш, нафс ҳақиқат деб билган ўлчамни ҳайратлантиради. Емак-ичмак нафснинг бирламчи содда аскари... Сифат бериб, уни ҳайвоний нафснинг аввали, дейдилар.

Овчи халқи кузатувчи, синчи, ҳар бир ҳаракатдан сабоқ олишга уста, сезгир бўлади.

Овчилар айиқни куз келганда овлаш, ушлаб олишни хуш кўришади.

Куз табиатнинг ажиб фасли. Куз ҳосил йиғиб, сарҳисоб қилинадиган мавсум. Ҳар ким экканини кузда ўради. Жўжа кузда саналади. Ғалвир сувдан кўтариладиган пайт – куз. Табиат, борлиқдаги жами тириклик, кузда озиқ тўплайди. Қиш синов, якуний фасл. Қишдан куз ҳосили омон олиб чиқади. Инсоннинг бир умр топгани, йиққани, КУЗи берганларини сарҳисоб қилиб айтадилар: "Сен улуғ сафарга чиққанингда, танинг овчига мўлжал бўлганида, тўрт оёқли чўбин тулпорга минганингда, топган-тутганинг дарвозанггача кузатиб, изингда қолади. Фарзанду қариндош, дўсту ёрларинг қабргача элтади, лаҳатни беркитиб, устингга тупроқ тортиб, "Таборак"ни тинглаб, дуога очилган қўлларини юзига суртиб, изга қайтадилар. Ҳеч ким қабрга кириб, майит билан ётмайди. Кўнглинг ҳосилигина ўзинг билан кетади".

Айиқ олмани хуш кўради. Тоғда ёввойи олмалар пишганда айиқлар тепадан чўққи, белларни ошиб, олмахўрликка битта-битта тушиб келади. Бир хилларининг болалари эргашган. Ана шунда овчи айиқ кетиб қолмасин деб бир ҳийла қўллайди. Олмазорнинг ҳар ер-ҳар ерига, дарахтларнинг остига таги йўқ челак қўйиб кетади. Нафснинг туби тешик челагини, ўпқонни.

Айиқ ақлли ҳайвон, нима қилишини билади. Одамга тақлидда айиққа етадигани йўқ. Одамнинг челакда нарса ташишини кўрган. Айиқ челакка кўзи тушиб қувониб, яйраб кетади. Олмали дарахтларни силкитиб мевасини қоқиб, челакка солади. Челак тўлганда кўтаради. Олмалар дув этиб тўкилиб, челак бўм-бўш қолганини кўриб ажабланади. Айиқ ҳайрон, ҳозиргина челак тўла эди. Кўтарди — челак бўшаб қолди. Айиқ қайта бошдан челакни тўлдиради, кўтаради. Яна челак бўш...

Айиқ юмушни узлуксиз такрорлайди, вақтни унутади.

Нафснинг таги тешик челаги ҳадсиз... Бўш челак ошу нон эди, едик... Пул эди, қўлнинг кири бўлди... Мансаб эди, изидан қувдик... Суйимли аёл (эр) эди, вафо кутдик... Нимаики нафснинг таги тешик челагига эврилди, кўникилди, вақтнинг, умрнинг юҳосига айланди.

Киши челакни завқ билан кўтаради, таги бўш челакдан йиғиб-тергани, умиду орзулари тўкилиб ҳавога сингаверади...

Таги тешик НАФС ақлни шунчалик ром этадики, айиққа эргашиб келган боласи ортиқчалик қилади. Бола бола-да, айиқчага ҳар нарса ўйин. Онанинг тешик челагидан тўкилаётган олмалардан завқ туяди. Онага боланинг ҳаракатлари оғир ботади. Боласини четга суриб, берилиб олма теради, челаги тўлади, шодланиб кўтаради. Яна нафс челагининг тубидан олмалар дув этиб тўкилади. Айиқча онасининг челагига ёпишади, тортқилайди. Хуноби ошган она боласини олиб, тошга бостириб қўяди. Бола типирлаганича тош остида қолади. Онанинг бутун фикри ҳаёли олмада, тўлиб тўкилаётган челагининг сирига етмай ҳайрон. Олма завқи, тўлиб тўкилаётган тешик челак алами вақтни ютади, ямлайди. Бир пайт қарасаки, тош тагидаги боласи ўлиб қолибди. Тешик нафсга маҳлиё бўлиб фарзандини бой берганини билмабди. Ана шунда айиқ бутун дарани бошига кўтариб ўкиради. Жонсиз боласининг, жонсиз умидларининг лошини бағрига босиб, келган тоғига, манзилига чинқириб чиқиб кетади...

Тешик челак соя, ҳойу ҳавас. Тешик челак ҳавони тўсади. Инсон яшаши, муродига етиши учун тоза ҳаво зарур.

Сен ҳавони тўсяпсан, Эй тешик челак!..

Сен исмимнинг туб мазмуни, мағзини англашимга йўл бермаяпсан, Эй тешик челак! Гўрўғлининг Қуёш ўғли эканини унутганим каби, исмимни унутяпман, Эй тешик челак!

Асл мақсадларимнинг лошини кўтариб Асқар тоққа қайтишга мажбур этяпсан, Эй тешик челак!

Айиқдай ўкириб, сояга эврилиб, телбаларча тентираб қайтишга маҳкум этяпсан, Эй тешик челак!

Шомирза ТУРДИМОВ

Самарқанд вилоятидаги

“Электртаъмир”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий қутлайди. 2020 йил халқимиз учун баракали, муваффақиятли йил бўлсин. Мамлакатимиз барча жабҳаларда янги-янги марралар сари одимлайверсин!



UNG Shurtan GKM

“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни Янги йил байрами билан муборакбод этади. Гўзал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта, олижаноб ва бағрикенг халқимиз ҳамиша омон бўлсин! 2020 йилнинг қадами қутлуғ келсин!



Хизматлар лицензияланган.

SANOAT QURILISH BANK

Азиз ватандошлар!

“Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси Сиз азизларни кириб келаётган 2020 йил билан чин дилдан қутлайди.

Янги йил оилангизга тотувлик, қувонч ва омад олиб келсин!



Хизматлар лицензияланган.

Қадрли юртдошлар! Эшитмадим деманглар! ЭЪЛОН

Пойтахтимиздан замонавий, сифатли уй харид қилиш истагида бўлганлар учун “FUSION PLATINIUM HOUSE”дан зўр имконият!

Замонавий архитектура талаблари асосида қурилаётган кўп қаватли уй-жойлардан харид қилинг! **“GULSANAM”** тураржой мажмуаси (Мирзо Улуғбек тумани Феруза ва Гулсанам кўчалари кесишуви) **“SAYRAM AVENUE”** тураржой мажмуаси (Мирзо Улуғбек тумани Сайрам кўчаси)



Янги йилда янги хонадонлар Сизлар учун, азиз юртдошлар. 2020 йил оилангиз учун бахт ва омад, қувончу шодлик йили бўлсин!

МАЪЛУМОТ УЧУН: 99 978 78 78, 99 958 58 58.

Хизматлар лицензияланган.


“CHINA LEASING IMPEX” КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

9

Янги йил байрами билан барча ватандошларимизни самимий қутлайди!
Халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилаётган ютуқларимиз бардавом бўлсин!
2020 йилда барча эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин!

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, “CHINA LEASING IMPEX” компаниясининг мақсади – Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарувчилар сонини кенгайтириш, тайёрланаётган маҳсулотлар турини бойитиш, сифатли ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган лойиҳалар билан таъминлаш, экспорт учун тайёрланаётган маҳсулотлар тури, сони ҳамда сифатини ошириш ва шу орқали Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишдир.







Манзил: Тошкент шаҳри Сергели тумани Янги Сергели кўчаси 7-уй. Мўлжал: ЛАДА автосалони ёнида.

Маълумотлар маркази: 97 2117777, 97 512 77 77, 90 4330550, 90 4380770.

www.uskunalar.uz

Хизматлар лицензияланган.

JACK
China No.1

Жаннатмонанд Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2020 йил билан чин дилдан муборакбод этамиз. Юртимиз равнақи йўлида қилинаётган хайрли ишларингизда зафарлар тилаб қоламиз.

Нима учун профессионаллар JACK ни танлайди?!

- Хитой Енгил Саноат баҳолаши бўйича ишлаб чиқариш қуввати Хитойда 1-ўринда.
- Жаҳонда тикув ускуналарининг экспорти бўйича 9 йил кетма-кет 1- ўринда.
- Жаҳонда тикув ускуналарининг сонли сотуви ҳамда сотувдан сўнг кўрсатилган сифатли сервис бўйича 1-ўринда.
- Дунё енгил саноатидаги технологиялар соҳасига тегишли ихтироларни деклоратсия қилиш ва рўйхатга олиш бўйича кетма-кет 4 йил 1-ўринда.



ooo “Sewing Machines Trading”
Тошкент ш. Яккасарой тум. Қушбеги кўч. 26-уй
Тел.: 71 250-13-10, 90 906-66-76, 90-996-80-90, 93-538-05-24, 93-594-25-94.
web-site: www.jack.uz Кафолат муддати 1 йил.

Самарқанд вилоятидаги

Ҳазора

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни янги – 2020 йил билан чин дилдан табриклайди.

Азиз юртдошлар!

Хонадонингиз тинч, дастурхонингиз тўкин-сочин бўлсин.

Янги йилда барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин!





Табрик

Хизматлар лицензияланган.

Қонунчилигимизда

Янги йилдан Ўзбекистонда нималар ўзгаради?



2020 йил 1 январдан:

100 бошли чорва ва 100 минг парранда бўлган хўжаликларда ветеринария врачи ва зоотехник штати жорий этилади.

Қорамолчилик йўналишидаги хўжаликлардаги ҳамда аҳоли қарамоғидаги сигирлар селекция режасига асосан наслли буқалар уруғи билан сунъий уруғлантирилади.

Республиканинг барча ҳудудларидаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар реестрга фақат электрон шаклдаги кадастр паспорти тайёрланганидан кейин нотариуслар томонидан электрон киритилади ва мулкдорга реестрдан кўчирма берилади.

Ялпи тушумнинг умумий ҳажмида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорти 60 фоиздан кам бўлмаган экспорт улушига эга бўлган корхоналар 2023 йил 1 январгача молмулк солиғини тўлашдан озод этилади.

Тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал, ва мўйначилик корхоналарининг фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базаси етти йил давомида тенг улушларда замонавий тозалаш ва канализация иншоотларини қуриш бўйича харажатлар суммасига камайтирилади.

Чорва молларини сўйиш бўйича замонавий автоматлаштирилган мажмуаларни ишга тушираётган ташкилотлар ва терини қайта ишловчи корхоналар 2023 йил 1 январгача ер солиғи тўлашдан озод этилади.

Дорилар ва тиббий буюмларнинг савдо жараёнини узлуксиз равишда видеога ёзиб олиш ва бир ой давомида видеоёзувларни сақлаш мазкур фаолият учун лицензия талаби ҳисобланади ва талабнинг мунтазам бир йил давомида бир мартадан кўп бузилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.

Тадбиркорлик субъектларининг республика ҳудудларида *(Тошкент шаҳридан ташқари)* чет эл таомларига ёки алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган мавзули овқатланиш шохобчаларини, шунингдек, "караоке" заллари ва туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларининг бир қисми ҳар бир лойиҳа учун 10 миллион сўм микдорида қопланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қуйидаги ваколатлари тегишли халқ депутатлари кенгашларига берилади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш.

Қуйидаги талаблар бекор қилинади:

тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланганда коммунал хизматлар бўйича қарздорликларни текшириб олиш;

давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг аризани ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотни бевосита қоғоз кўринишда тақдим этиш;

мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш.

Кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш, аёллар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни кредитлаш Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича устувор равишда АТ Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Агробанк" АТБ (ваколатли банклар) орқали амалга оширилади.

Кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларига ваколатли банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар беришга рухсат этилади.

Қуйидагилар ички бозорда фақат биржа савдолари орқали сотилади:

техник мой, омухта ем, хўжалик совуни, нефть эриткичи, нефть парафини ва мис купороси;

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган шакар (республиканинг олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларида жойлашган истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартнома асосида ўз савдо тармоқлари орқали сотиладиган, умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 10 фоизидан ошмайдиган ҳажми бундан мустасно);

иситиш ёқилғиси, ёқиш мазути, суюлтирилган газ ва нефть битуми (махсус истеъмолчиларга ўрнатилган тартибда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиладиган ҳажмлар бундан мустасно).

Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда тайёрланди.



Табрик

"Талимаржон иссиқлик электростанцияси"

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни янги – 2020 йил билан самимий муборакбод этади. Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Кириб келаётган Янги йил сизларга бахт ва омад бахшида этсин!

Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!

Хизматлар лицензияланган.

"Агробанк" инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Агробанк" АТБ томонидан "Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.



Матбуот анжуманида бугунги кунда банк томонидан нафақат аҳоли ва мижозларга тезкор, ишончли хизматлар кўрсатилаётгани, балки йирик тадбиркорлик субъектларининг истиқболли, инвестицион ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Хусусан, банк томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиздаги тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 3,9 триллион сўм миқдорида инвестиция кредитлари ажратилган бўлиб, бугунги кунда инвестиция мақсадлари учун йўналтирилган кредит қўйилмасининг қолдиғи 6,9 триллион сўмни ташкил этмоқда. Таъкидлаш жоизки, 3,9 триллион сўм миқдоридаги кредитнинг 48 фоизи саноатга, 33 фоизи қурилиш, транспорт-коммуникация тармоқларини қўллаб-қувватлашга, 14 фоизи қишлоқ хўжалигига, 5 фоизи ижтимоий таъминот ҳамда иқтисодий тармоқларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Банк томонидан тўқимачилик, тикув-трикотаж саноати йўналишида ҳам кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани аниқ рақам ва мисолларда кўрсатиб ўтилди. Эркин иқтисодий зоналардаги экспортга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилаётгани "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасида жойлашган "Сирдарё мега люкс" МЧЖ мисолида айтиб ўтилди.

Мутасаддиларнинг маълум қилишича, ҳозирги кунда банк 12 та хорижий банк билан вакиллик алоқалари ҳамда ўндан ортиқ халқаро молия институтлари билан кредит линия маблағларини жалб этиш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, Германиянинг "Коммерсбанк"и, "Юникредит банк"и, "ДЗ банк"и ва "Ландесбанк"и, Австриянинг "Райфайзен банк"и, Жанубий Кореянинг "КЭБ Ҳана банк"и ҳамда Россиянинг 4 та ("Сбербанк", "Азия–инвест банк", "ВТБ банк", "Промсвязбанк") йирик банки билан ўзаро алоқалар ўрнатилган.

Анжуман давомида 2018-2019 йилларда хорижий кредит линия маблағларини жалб қилиш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди ва журналистларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан жавоб қайтарилди.

Сардор АМИНЖОНОВ,
"XXI asr" мухбири

Тошкент шаҳридаги "FASAD TA'MIRLASH" масъулияти чекланган жамияти

халқимизни Янги йил байрами муносабати билан қутлаб, барча эзгу ниятларни тилайди.
2020 йил ҳам шаҳару қишлоқларимизда янги-янги иморатлар, кўркам бинолар қад ростлайдиган бунёдкорлик йили бўлсин!



Табрик

Реклама ҳуқуқида

O'ZBEKINVEST
MILLIY SUG'URTA KOMPANIYASI

Мамлакат суғурта бозорида етакчиликни мустаҳкамлади

Йил сарҳисоби

Молиявий барқарор

Давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан, иқтисодиётимизда кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётгани суғурта бозорининг жадал ривожланиши учун қулай шароит яратмоқда. Натижада "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ижобий динамикаси ва барқарор ўсишини намойиш этмоқда.



Шу йилнинг 5 декабрида "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги (АҚШ) ушбу компания молиявий барқарорлигини "Барқарор" прогнози билан "B1"дан "Ba3" даражасигача оширганини расман эълон қилди. "Ўзбекинвест" Ўзбекистон банк-молия соҳасида мазкур даражага эришган биринчи компания бўлди. Агентликнинг Нью-Йоркда жойлашган штаб-квартираси расмий ахборотида маълум қилинишича, "Рейтинг якунларига кўра, "Ўзбекинвест" мамлакат миллий суғурта бозорида етакчиликни мустаҳкамлади. Шу даврда 272 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 176 фоизни ташкил этди. Шундан 230 миллиард сўм (ўсиш 175 фоиз) корпоратив мижозлар, 42 миллиард сўм эса (ўсиш 2,1 марта) жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келган. Мижозлар базаси ҳам 151 фоизга ўсди ва 509,2 минг юридик ва жисмоний шахсни ташкил этди.

"Ўзбекинвест"нинг Ўзбекистон миллий суғурта бозоридаги кучли позицияси ҳамда суғурта мажбуриятларига нисбатан юқори капиталлашувига эгалиги билан мустаҳкамланган. Бу эса компания бошқарувининг кучайганини билдиради".

Қувонарлиси, айни даражага кўтарилиш "Ўзбекинвест"нинг молиявий барқарорлиги юқорилиги, молиявий қалтисликлар паст даражадалигидан далолат беради. Шунингдек, халқаро суғурта бозорларида кенг миқёсда иштирок этиш, экспортёрларимиз ҳамда мамлакатимизга инвестиция киритаётган хорижий компанияларни суғурта ҳимояси билан қўллаб-қувватлаш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Шу йилнинг 11 ойлик фаолият якунларига кўра, "Ўзбекинвест" мамлакат миллий суғурта бозорида етакчиликни мустаҳкамлади. Шу даврда 272 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 176 фоизни ташкил этди. Шундан 230 миллиард сўм (ўсиш 175 фоиз) корпоратив мижозлар, 42 миллиард сўм эса (ўсиш 2,1 марта) жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келган. Мижозлар базаси ҳам 151 фоизга ўсди ва 509,2 минг юридик ва жисмоний шахсни ташкил этди.

Миллий товар ва хизматлар экспортёрларига 866 миллион АҚШ доллари ҳажмида суғурта ҳимояси тақдим этилди, 2018 йилда бу кўрсаткич 9 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Компаниянинг инвестиция портфели ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115 фоизга ўсган ва 891 миллиард сўмни ташкил этди. Бундан 324 миллиард сўм тижорат банкларига депозит маблағлари кўринишида жойлаштирилган, 549 миллиард сўми эса йирик тижорат тузилмаларига сармоя шаклида киритилган.

2019 йилнинг 11 ойи мобайнида 10 684 та суғурта даъвоси кўрилиб, 20,2 миллиард сўм ҳажмида суғурта тўловлари амалга оширилган, шу жумладан, миллий экспортёрларга 66,9 минг АҚШ доллари тўланган.

Компания шу йилнинг 10 июлида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг суғурта бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда белгилаган вазифаларини фаол равишда амалга оширишда давом этмоқда. Хусусан, экспорт суғуртаси бўйича хизматларни кўпайтириш, аҳоли ва бизнес субъектлари талабларини инобатга олган ҳолда инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, онлайн суғуртани жадал кенгайтириш ва замонавий ахборот технологияларини татбиқ қилиш, суғурталанувчиларнинг шахсий ва мулкий манфаатларини ишончли ҳимоялашга қаратилган мақсад ва вазифаларни аниқлаб олган.

Халқаро ҳамкорлик

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси вакиллари 20-24 октябрь кунлари 1997 йилдан буён аъзо бўлган Берн иттифоқининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



Берн – экспорт кредитлари ва инвестицияларни суғурталовчиларнинг халқаро иттифоқи бўлиб, жаҳоннинг экспорт-кредит агентликларини бирлаштиради. Мунтазам ўтказадиган йиғилишларида ташкилий, андеррайтинг ва техник масалалар, шунингдек, экспорт кредитлари суғуртасини ривожлантириш истиқболлари ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, тижорат банклари суғуртасининг ўзига хосликлари муҳокама қилинади.

Берн иттифоқига аъзолик компаниянинг халқаро бозордаги ривожига ҳисса қўшмоқда ва халқаро суғурта ҳамжамиятининг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига ёрдам бермоқда. Йиғилиш доирасида "Ўзбекинвест" ва Италиянинг "SACE" экспорт кредит агентлиги ўртасида учрашув ташкил этилди. Музокаралар давомида ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди.

Келишув икки давлат экспортчиларига суғурта ҳимоясини тақдим этиш, хусусан, Ўзбекистон – Италия қўшма корхоналарини учинчи мамлакатларда суғурталаш ва қайта суғурталаш, мамлакатлар, корхоналар ва банклар ўртасида доимий маълумот алмашинувини амалга ошириш, консультация бериш ва ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича кенг имкониятларни яратади.

Даъволар қисқа муддатда кўриб чиқилади


Суғурта ҳодисаси юз берганда мижозларнинг даъволарини имкон қадар тез кўриб чиқиб, уларнинг мол-мулки ёки соғлиғига етган зарарни ўз вақтида қоплаб бериш "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу йилнинг 9 ойи давомида 9 мингдан ортиқ суғурта даъвоси ўрганилиб, қарийб 14,3 миллиард сўм суғурта қопламаси тўланди. Даъволарнинг 85 фоизи ихтиёрий суғурта турлари улушига тўғри келади, бу эса тарғибот тадбирлари натижасида аҳолининг қизиқиш ва талаби ортаётганидан далолат беради.

Таъкидлаш керакки, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси, ихтиёрий тиббий суғурта, мажбурий автосуғурта, ихтиёрий автосуғурта, ташувчининг профессионал жавобгарлиги суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, қурилиш қалтисликлари суғуртаси шартномалари бўйича тўловлар суғурта қопламаларининг асосий қисмини ташкил этади. Шу йилнинг фақат сентябрь ойида мижозларга 1,5 миллиард сўмдан ортиқ суғурта қопламаси тўлаб берилган.

"Ўзбекинвест" компаниясининг туну кун ишловчи диспетчерлик хизмати мижозлар мурожаатлари бўйича барча маълумот ва маслаҳатларни бермоқда. Махсус ассистанс хизмат эса Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида суғурта ҳодисалари юз берганда воқеа жойига етиб бориб, зарур ёрдамни кўрсатмоқда.

"Ўзбекинвест"
ахборот хизмати

Хизматлар лицензияланган.



“Ипотека-банк” АТИБ жамоаси
юртдошларимизни янги – 2020 йил билан
муборакбод этади!
Янги йилда оилангизга тинчлик ва
фаровонлик, дастурхонингизга барака,
ишларингизга омад тилайди.

IPOTEKA BANK

Imkoniyat yaratamiz

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI asr
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Алишер СУЛТОНОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙИИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Фаррух ЖАББОРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда **0009**-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми – 6 босма табоқ.
Буюртма рақами: **Г – 1258** Тираж: **3500**
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – **01:00**
Топширилди – **02:40**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12 456

Навбатчи муҳаррирлар:
Фаррух ЖАББОРОВ, Бехзод ИСРОИЛОВ.